Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 166 (20. 134) • 1988 йил 20 июль, • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ—АМАЛИЙ ИШ ПРОГРАММАСИ

ОШКОРАЛИК—ҚАЙТА ҚУРИШ МЕЗОНИ

Редакцияга келаётган хатлар орасида шундай мазмундаги мактублар ҳам бор:

«Қоракўл район партия комитети ўз ишида ошкораликка қатъий амал қиляпти. Масалан, кадрлар резерви рўйхати район газетасида эълон қилинди. Бу раҳбарлик вазифаларига кўрсатилган номзодларнинг ишчанлик, ахлоқий ва сиёсий ҳислатларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам берди. Кишилар резервдаги кадрлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил ёзиб юбордилар...»

«Илгарилари ҳар қандай миқёсдаги йиғилишларда сўзга чиқувчилар ўз фикрини бемалол айтолмасди. Чунки, нотиқлар олдиндан тайёрлаб қўйилар, «уни гапирасан, буни гапирасан» деб топшириқ берилардн. Энди бунга барҳам берилди. Бирлашмамиздаги 1,5 минг ишчи ва инженер-техник ходим маъмуриятнинг кундалик фаолиятидан мунтазам хабардор бўлиб бормоқда. Йиғилишларда нотиқларнинг рўйхати бўлмайди. Ҳар ким ҳам сўзга чиқиб, кўнглидаги гапни айтяпти. Р. Иванушкина, Қаршн тикувчилик бирлашмаси ишчиси».

Ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган бундай воқеалар партиямиз собиқдадамлик билан жорий этаётган қайта қуриш, демократия ва ошкоралик асосларини янада кучайтириш ва ривожлантириш натижасидир. В. И. Ленин асос солган энг демократик тузумимиз ҳар қандай бюрократик ва волюнтаристик иллатлардан узил-кесил халос бўлиб, ўзининг асли ҳолатига қайтмоқда. КПСС XXVII съездидан сўнг юзага чиққан ҳақиқат сабоғи, энг ўткир муаммоларни очиқ ва ошкора тарзда таҳлил этиш, партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг кундалик фаолиятига тобора чуқурроқ сингиб боряпти. Ошкоралик ва демократия том маънода жамиятимиз ҳаёти маънавий муҳитини белгилаб бераётир.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси совет жамиятини революцион қайта қуриш ва демократиялаш жараёнига янги, кучли қувват берди. Ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, омма назорати турмуш тарзимиз нормасига, мамлакат социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг ишончли гарантиясига айланиб боряпти.

Конференция бошқа резолюциялар қаторн «Ошкоралик тўғрисида» ҳам резолюция қабул қилди. Ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ошкоралик қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг, қайта қуриш муқаррарлигининг энг муҳим шартларидан бири эканлиги резолюцияда алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. «Ушбу резолюциянн диққат билан ўқиган одамнинг эътиборнни «Ижтимоий ҳаётга ошкораликнинг татбиқ этилиши», деган жумла албатта тортади, — деб ёзади редакцияга юборган хатида Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумнинг сут соғувчиси, конференция делегати Р. Муҳаметзянова. — Бундан шундай маъно ўқиб олиш мумкинки, демак, шу пайтгача ошкораликнинг ўзи бўлмаган, кишилар тўғри гапни ошкора айтишдан чўчиб келганлар. Турғунлик муҳри босилган даврда партия ва халқ номидан иш юритган катта лавозимдаги шахсларнинг нуқсонларини фош этиниг эди, ўзингизни қаерда кўрардингиз. Уша давр—қўшиб ёзувчилар ва сохта қаҳрамонларнинг, ваъдабоз ва лаганбардорларнинг даври бўлиб келди. Ошкоралик, демократия, қайта қуриш ўша жиноятчиларнинг «хавасини» очди, тагига сув қуйди. Ошкоралик турғунлик даврининг эски касалини даволашнинг, ҳар қандай иллатларни тагтомири билан тугатишнинг таъсирчан ва самарали воситасига айланди».

Ошкоралик қайта қуришнинг ғоят ўткир қуроли эканлиги учун ҳам эскилик сарқитларидан ҳоли бўлолмаган айрим кишилар ундан ўтдан чўчигандек чўчимоқдалар. Ошкоралик йўлига ғов солишга уринишлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда «Ошкораликнинг тўла жорий бўлишига эришиш ҳар бир коммунистнинг, соф виждонли ҳар бир меҳнатчининг бурчи, вазифаси, — дедн ўз коллективи билан бўлган учрашувда Риштондаги 85-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасн бошлиғи, партия конференцияси делегати М. Ҳайдаров. — Шундай қилайлик-ки, қайта қуришга қаршилик қилаётган кимсаларнинг энг пинҳона ҳатти-ҳаракатлари ҳам фош бўлиб, ўзларн эл орасида шарманда бўлсинлар».

Партия конференцияси социалистик жамиятда ошкораликнинг мукаммал концепциясини ишлаб чиқди, унинг ҳаётимиз барча соҳаларидаги роли ва аҳамиятини белгилаб берди. Конференция социализм ва қайта қуриш манфаатлари мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қатъий ҳисобга олиб, ошкораликни ривожлантириб бориш энг муҳим сиёсий вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Партиямиз аниқуманн якунларига бағишланган йиғилишларда баъзи кишилар масаланинг ана шу сиёсий жиҳатига урғу бериб, «Мен ошкораликни қувватлайман, аммо сиёсатга даҳлим йўқ, сиёсий масалалар билан партия ташкилотлари, раҳбарият шуғулланадилар»,— деган фикрни ҳам айтмоқдалар. Бизда ҳар бир шахс ўз тақдирига ўзининг кундалик иши, амалий фаолияти орқали қарашга кўникиб қолган. Узоқ давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида оддий меҳнаткашларда сиёсатга бўлган қизиқиш атайин сўндирилб келиндн. Шунинг учун ҳам XIX партия конференцияси ошкоралик инсонга қаратилганлигини, шахсни жамият, давлат ва коллективнинг барча ишларига жалб этишнинг муқаррар шарти, социал муассасалар, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти устидан умумхалқ назоратини ўрнатишнинг таъсирчан кафолоти эканлигини таъкидлади.

Ҳар бир ишда бўлгани каби коммунистлар, партия комитетлари ва бюролари сабот билан ошкораликни қарор топтиришга даъват этиганлар. Чунки улар ҳамиша омма орасида иш олиб бориб, қарорларни ишлаб чиқиш, ижрони назорат қилиш, топширилган иш учун шахсий масъулиятни кучайтиришга — барча соҳаларда коллективчилликни таъминлайдилар, ҳато ва камчиликларни тугатишга қаратилган танқид ва ўз-ўзини танқид руҳини қарор топтирадилар. Ҳозирги шароитда иш кабинетларидан чиқмай тузилган деректнваларга эмас, балки халқнинг ташаббусига, кишиларнинг ижодий потенциалига таянган партия ташкилотигина муваффақият қозонишига ишониш мумкин.

Жойлардан олинаётган хабарлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим ходимлар, жумладан партия ходимлари ҳам ошкоралик жараёнига хавфсираб қарашяпти. Улар сўзда қайта қуриш тарафдори эканликларини билдирсаларда, амалда эса танқид учун таъқиб қилиш ва ҳатто ўч олишдан ҳам тийилмяптилар. Конференция ошкораликдан шахсий ва гуруҳбозлик манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳоллари барҳам топмаганлигини, натижада одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ўртоқларча талабчанликнинг нормал алоқаларн бузилаётганлигини қаттиқ танқид қилди.

Кенг жамоатчилик ҳали ҳам ахборотнинг анчагина қисмидан бехабар қолмоқда. Ҳатто социал-иқтисодий ва маънавий ўсишни жадаллаштиришда, омманинг, бошқарув кадрларининг сиёсий маданиятини оширишда ахборотдан кенг фойдаланилмяпти. Оммавий ахборот восталари фаолиятида ошкораликни тийишга уриниш ҳоллари учраётганлиги тўғрисида жойлардан хабарлар келиб турибди. Унинг йўлига кўпинча идоравий ва маҳаллий тўсиқлар қўйилмоқда. Партия органлари ва «Совет Ўзбекистони» газетасига келаётган шикоят хатларнинг сони камаймаётир. Биз шунга эришмоғимиз керакки, токи ошкораликнинг фикрларни эркин ифодалаш, туҳмат ва ҳақорат қилиш йўли билан шахсни камситишга эмас, балки уни улуғлашга ва унинг қадр-қимматини муҳофаза этишга хизмат қилиши зарурлигни тўғрисидаги принципн тўла амалга ошсин.

Партия ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ошкораликнинг асосий принципларини қарор топтириш ва ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш дан иборат. Хўш, ошкоралик принципларн деганда нималар тушунилади! Ҳар бир граждан ижтимоий ҳаётнинг давлат ва ҳарбий сир бўлмаган исталган масаласи ҳақида тўла ва тўғри ахборот олиш; ижтимоий аҳамиятга молик исталган масаланн очиқ ва эркин муҳокама қилиш ҳуқуқига эгадир.

Конференция партия ташаббус ва ошкораликни авж олдириш намунасини кўрсатишга лозим, деб таъкидлади. Эндиликда партия ташкилотлари иши, раҳбар кадрларнинг фаолияти тўғрисида коммунистлар ва аҳолн кенг кўламда хабардор қилиб борилади. Партия йиғилишлари ошкоралиги, партия турмуши, партиявий раҳбарлик масалалари эркин муҳокама қилиниши, меҳнаткашларнинг танқидий фикр-мулоҳазаларн ва таклифларини кўриб чиқишга масъулият билан ёндашиш йўлга қўйилади. Сайлаб қўйилган партия органлари аъзолари партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари ҳузурида ўз ишлари тўғрисида ахборот ва ҳисобот бериб туришлари уларнинг бурчи бўлиб қолади. Муҳим қарорлар лойиҳаларининг эълон қилиниши ва муҳокама этилиши — буларнинг ҳаммаси партиямиз сиёсати очиқ характерининг, унинг жамият билан мустаҳкам алоқасининг ёрқин тимсолидир.

Конференция кадрлар сиёсатидаги ошкораликка, раҳбар кадрларни кўтаришнинг демократик, жамоатчилик фикрига таянадиган механизмини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берди. Айниқса ошкоралик, омма назорати ва танқид учун очиқлик ишлаб чиқариш коллективлари самарали ишлашининг зарур шарти эканлигя резолюцияда қизил ип бўлиб ўтган. Тошкент тўқимачилик комбинати, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхона, ташкилотларда меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва социал масалаларга доир қарорлардан, ўз корхоналари фаолиятнга оид барча воқеалардан мунтазам хабардор қилиб борилаётгани ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг бутун коллектив иши учун жонбозлигини кучайтиряпти.

Конференция ошкораликни кенгайтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Улар партия ва давлат органи сифатида ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан бажариб келяптилар. Аммо конференция минбаридан туриб матбуот номига айтилган танқидий фикр ва мулоҳазалар юксак ғоявийлик ва маънавийлик, билимдонлик, профессионал одобга қатъиян риоя қилиш, ахборотнинг тўғрилигини таъминлаш, оммавий ахборот принципларидан сира ҳам оғишмаслик зарурлигини кўрсатади.

КПСС XXVII съездидан сўнг ўтган давр ошкоралик ўзини тўла оқлаётганлигини, уни бундан буён ҳам узлуксиз ривожлантириб бориш лозимлигини тасдиқлади. Аммо бундан ошкоралик ҳамма хоҳлаган ишини қилиш учун йўл очиб беради, деган маъно келиб чиқмайди асло. Резолюцияда ошкораликдан совет давлати, жамият манфаатларига, шахс ҳуқуқларига путур етказиб, уруш ва зўравонликни, иркчилик, миллий ва диний адоватни тарғиб этиш, шафқатсизликни пропаганда қилиш ва порнографияни тарқатишда фойдаланишга, шунингдек, ошкораликни рўкач қилиб, найрангбозликка йўл қўйилмайди, деб қайд этилгани бежиз эмас.

Катта режа ва планлар умумхалқ мулки бўлиб қолганидагина, миллионларнинг қон-қонига сингиб кетганидагина уларда ғоят катта куч-ғайратни вужудга келтиради. Ошкоралик меҳнат коллективлари, барча кадрлар ташаббускорлиги ва жанговарлигини оширишнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар авж олдирилишининг қудратли омилидир. Ошкораликсиз қайта қуриш ҳам бўлмайди, демократия ҳам.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАЗОРЛАРИДА



◆ Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозида уруш ва меҳнат ветеранлари колхозчилар ўртасида пропагандистлик қилишаётир. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари зўр эътибор билан ўрганилмоқда. Хўжаликда ташкил этилган ветеранлар кенгаши бу ишга бошқош бўляпти.

Суратда: меҳнат ветерани Ҳаким Ҳамроев (ўнгда) ва механизатор Дўстмамат Бойназаров пахтазорда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси. (ЎзТАГ).

Номерга телеграммалар

Ғаллакорлар ғалабаси

СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳаракат қилаётган Қашқадарё области ғаллакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Область колхоз ва совхозлари дон тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини ортиғи билан адо этишди.

Бу йил қашқадарёликлар 254 минг 729 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўрим-йиғимга ҳар қачонгидан кўра пухта тайёргарлик ва уюшқоқлик билан киришилди. Бепоён пайкалларда 1300 дан кўпроқ комбайн юксак унум билан ишлатилди. Колхоз ва совхозларда ўрим-йиғим-транспорт отрядлари иши тўғри ташкил этилди.

Натижада 265 минг тонна дон тайёрланди. Давлат қабул пунктларига 100 минг тоннадан знёд юқори сифатли дон топширилди. Деҳқонобод, Ғузор, Қамаши, Косон, Нишон, Яккабоғ районларининг ғаллакорлари қўшган ҳисса салмоқлидир.

Айни пайтда областда мажбурият ҳисобига дон тайёрлаш ва давлатга топшириш қизғин давом этмоқда.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

* * *

Пландан оширib

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларидан руҳланиб ишлаётган Китоб районн картошкакорларн дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Бутуниттифоқ фондига 750 тонна ўрнига 840 тонна картошка жўнатилиб, бу соҳадаги план ошириб бажарилди.

Қўлга киритилган ютуқда Улуғбек номли, Куйбишев номли колхозлар, Навоий номли, «Навбаҳор», «Китоб» совхозлари картошкакорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Х. РАҲМОНОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

18 июль куни Кремлда ўртоқ А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум Арманистон ССР ва Озарбайжон ССР Олий Советларининг Тоғли Қорабоғ тўғрисидаги қарорлари масаласини кўриб чиқди. Мажлисда Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. М. Восканян, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Татлиев. Озарбайжон Компартияси Тоғли Қорабоғ область комитетининг биринчи секретари Г. А. Погосян ахборот бердилар.

Масалани муҳокама қилишда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси З. К. Камолиддинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, академик Н. Г. Басов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Арманистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик В. А. Амбарцумян, ёзувчи Р. Ҳ. Ҳамзатов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, ёзувчи И. В. Абашидзе, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори академик А. А. Логунов, Ереван Давлат университетининг ректори С. А. Амбарцумян, ёзувчи В. А. Петросян, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Астраускас, академик Е. М. Примаков, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, «Зеленоградстрой» бирлашмаси қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Н. А. Злобин, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи Президиумининг раиси В. В. Терешкова, ёзувчи М. А. Иброҳимов, Кировоград областидаги «КПСС XX съезди» колхози тракторчилар бригадасининг бошлиги А. В. Гиталов, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Рюйтель, СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Мокану, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ғ. Паллаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко қатнашдилар.

Президиум мажлисида СССР Олий Советининг Озарбайжон ССРдан ва Арманистон ССРдан сайланган депутатлари катта бир группаси ҳозир бўлди.

Мажлис материаллари ва СССР Олий Совети Президиумининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори матбуотда эълон қилинади.

(ТАҒС).

СССР Олий Совети Президиумининг қарори

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ ХУСУСИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН АРМАНИСТОН ССР ВА ОЗАРБАЙЖОН ССР ОЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Олий Совети Президиуми ТҚАО халқ депутатлари Советининг илтимосномаси муносабати билан Арманистон ССР Олий Советининг Тоғли Қорабоғ автоном областини Арманистон ССР составига ўтказиш тўғрисида 1988 йил 15 июндаги илтимосини ҳамда Озарбайжон ССР Олий Советининг Тоғли Қорабоғ автоном областини Арманистон ССР составига ўтказиш номақбуллиги ҳақида 1988 йил 17 июндаги қарорини кўриб чиқиб, Озарбайжон ССР билан Арманистон ССРнинг чегараларини ва Конституция асосида ўрнатилган миллий территориал бўлинишни ўзгартиришнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайди. СССР Олий Совети Президиуми шундай қарорни қабул қила туриб, СССР Конституциясининг қоидасига (78-модда) асосланади, ана шу моддага мувофиқ иттифоқдош республиканинг территорияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзгача қарор иккала республика халқларининг туб манфаатларига хилоф бўлиб, ушбу регионда миллатлараро муносабатларга жиддий зиён етказган бўлур эди.

СССР Олий Совети Президиуми Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш негизида Тоғли Қорабоғ меҳнаткашлари партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида экономикани, илм-фанни ривожлантиришда ва социал турмушнинг бошқа соҳаларида катта муваффақиятларга эришганликларини қайд этади. Шу билан бирга автоном областда айниқса маданият, маориф соҳасида, кадрлар сиёсатида арман аҳолисининг миллий манфаатларига даҳлдор кўпгина масалалар узоқ вақт мобайнида ҳал этилмай келди. Автоном областнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқлари бузилди. Мана шу барча салбий ҳолатлар ўз вақтида бартараф этилиши бир ёқда турсин, балки тобора кўпаяверди. Озарбайжон ССР, Арманистон ССР ва Тоғли Қорабоғ автоном областининг ҳокимият органлари вужудга келган вазиятга баҳо беришга юзаки ёндашдилар, ушбу регионда мавжуд миллий территориал тузилишни қайта кўриб чиқишга қилинган асоссиз даъватларнинг сиёсий жиҳатдан хавфли эканлигини англаб етмадилар, кутиб туришдан иборат суст позицияни эгалладилар. Республикаларда вазият кескинлашди, экономикага, Арманистон ва Озарбайжон халқларининг миллатлараро муносабатларига катта зиён етказилди. Мана шуларнинг ҳаммасини мамлактимиз меҳнаткашлари ҳаққоний қораладилар.

Тоғли Қорабоғда вужудга келган аҳволни яхшилаш ҳамда жиддий камчиликларни бартараф этиш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҚССР Министрлар Советининг қарорларида Тоғли Қорабоғ автоном областининг экономикаси, маданиятини янада ривожлантиришни таъминлаш, меҳнаткашларининг фаровонлигини юксалтириш, социалистик қонунчиликни ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, Озарбайжон ССР билан Арманистон ССР аҳолисини қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик руҳида тарбиялашни кучайтириш юзасидан катта чора-тадбирлар белгиланган. Тоғли Қорабоғ автоном областининг Арманистон ССР билан алоқаларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. СССР Олий Совети Президиуми Тоғли Қорабогга ўз вакилларини юборишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Мана шу вакиллар қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш соҳасида Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР вакиллари билан қалин ҳамкорликда иш кўрадилар.

2. СССР Олий Совети Президиуми Озарбайжон ва Арманистон иттифоқдош республикаларининг меҳнаткашларини, партия ҳамда давлат органларини озарбайжон аҳолиси билан арман аҳолиси ўртасидаги яхши, қардошлик муносабатлари қайта тикланиши учун ҳамма ишларни қилишга даъват этади.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советига, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижроия ва фармойиш берувчи органларига Арманистонда, Тоғли Қорабоғда ва Озарбайжоннинг бошқа регионларида вазиятни нормаллаштириш йўлида меҳнат интизомини мустаҳкамлашни, СССР Конституциясига ҳамда совет қонунларига қатъий риоя этилишини таъминлаб, миллий адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятнинг, демократик ҳуқуқлардан демократияга зид мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларнинг пайини қатъиян қирқиш учун зарур чоралар кўришни топширади. СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида ўртага қўйилган ва шу билан боғлиқ бўлган масалаларни Миллатлар Советининг махсус тузилаётган комиссиясига ўрганиб чиқишни топширш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин, бу комиссия тайёр бўлишига қараб СССР Олий Совети Президиумининг муҳокамасига ўз таклифларини тақдим этади.

3. СССР Олий Совети Президиуми КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси жамиятимизни революцион тарзда ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш, шу жумладан миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида янги вазифаларни ўртага қўйган ҳозирги пайтда барча иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари совет кишиларининг дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини интернационализм принциплари асосида мустаҳкамлаш масалаларига доимий эътибор бериб боришларини айниқса муҳим, деб ҳисоблайди. Миллатидан қатъи назар, ҳар бир совет кишиси мамлакатнинг исталган районида ўзини тўла ҳуқуқли граждан, деб ҳис этиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Миллатлараро муносабатларда юзага келадиган масалаларни ўз вақтида, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларини ҳам, бутун социалистик Ватанимизнинг манфаатларини ҳам мумкин қадар кўпроқ эътиборга олиб ҳал қилиш керак.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 18 июль.

К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬС ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

К. Маркс билан Ф. Энгельс Танланган асарлари тўққизинчи томи (иккинчи қисми) босилиб чиқди. Тўқиз томли асарлар тўплами нашрини КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти амалга оширмоқда, унга марксизм-ленинизм асосчиларининг энг муҳим асарларн киритилган.

Китобда К. Маркс «Капитал»ининг учинчи томи ва Ф. Энгельс қаламига мансуб «Капитал» учинчи томига қўшимчалар» бор.

(ТАСС).

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Советининг Президиуми 18 июль куни бўлиб ўтган мажлисида 1989-1990 йилларга мўлжалланган давлат буюртмаларини тузиш тўғрисидаги муваққат низом лойиҳасини кўриб чиқди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошқарди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков доклад қилди. Муҳокамада корхоналар, колхозлар, район агросаноат бирлашмалари, қурилишлар, транспорт раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, министрлик ва идораларнинг вакиллари қатнашдилар. Гап, жумладан, маҳсулотнинг давлат буюртмасига киритиладиган энг устун турларини танлаб олиш ҳақида, улгуржи савдога ўтиш муаммолари тўғрисида, пландан ташқари молни реализация қилиш тартиби ҳақида борди. Мажлис қатнашчилари давлат буюртмаси экономикани ривожлантиришга янги туртки бериши, унинг социал йўналишини рағбатлантириши, янги хўжалик механизмини вужудга келтириш учун негиз яратиши, фан-техника тараққиётига қизиқтирувчи омил бахш этиши лозимлиги ҳақида гапирдилар.

СССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида давлат буюртмаларининг ҳажмларини қисқартиришни назарда тутувчи лойиҳани асос қилиб олишга қарор қилинди. Айтилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, унга хўжалик механизмининг бошқа элементлари билан бирга давлат буюртмаси мамлакатнинг жадал социал-иқтисодий тараққиётига самарали равишда кўмаклашмоғи учун унга тузатишлар киритилади.

(ТАСС).

Ҳужжатлар тўплами

«Партия ва ҳукуматнинг хўжалик масалаларига оид қарорлари» деб аталган ҳужжатлар тўпламининг ўн олтинчи томи (II қисми) босмадан чиқди. Унда КПСС XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг материаллари, КПСС Марказий Комитети билан СССР давлат олий идора органларининг 1986 йил февралидан декабригача қабул қилган ҳужжатлари эълон қилинган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми медицина ишларини ривожлантиришдаги хизматлари, фаол врачлик ва жамоатчилик фаоллиятн учун Қоракўл район марказий касалхонаси юқумли касалликлар бўлимининг мудири ўртоқ Ҳадича Иброҳимовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонн берди.

«ПРОГРЕСС—37» УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Мир» илмий-тадқиқот комплексида бундан буён ўтказиладиган ишлар программасига мувофиқ, 1988 йил 19 июль куни Москва вақти билан соат 1 дан 13 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс—37» автомат юк кемаси учирилди.

Бу кемани учиришдан мақсад — одам бошқарадиган «Мир» комплексига сарфланадиган материаллар ва турли юкларни етказиб беришдан иборат.

«Прогресс—37» кемаси орбитасининг параметрлари қуйидагичадир:

— Ер юзасидан энг кўп олислиги — 273 километр;

— Ер юзасидан энг оз олислиги — 194 километр;

— айланиш даври — 88,8 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

Телеметрия ахборотларига кўра, автомат юк кемасининг бортидаги системалар нормал ишламоқда.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга оширамиз

СУҲБАТДА СИР БЎЛМАЙДИ

Бахтиёр жанговарлик кўриги комиссияси билан бўладиган суҳбатга ҳозирланаркан, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида қайта қуриш юзасидан коммунистлар олдига қўйилган вазифаларни бирма-бир эслади. Бу вазифалар бирлашма бошланғич партия ташкилотида қандай амалга оширилаётгани, шахсан ўзининг қайта қуришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида мушоҳада юритди.

Колхозчи оиласида вояга етган Бахтиёр бундан 10 йил муқаддам ўрта мактабни тугатиб, «Агропроммехжив ферм» бирлашмасига ишга кирди. Ўшанда уни Чорбакўр кўчма механизациялашган колоннаси деб аташарди. У газэлектрпайвандчилик касбини ўрганди. Совет Армиясида хизмат бурчини ўтаб қайтганидан кейин яна авалги ишига қайтди. Ҳозир Бахтиёр бирлашма ремонт механика цехининг энг моҳир ишчиларидан. Бундан икки йил муқаддам корхона коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишди.

Мазкур цех областнинг колхоз ва совхозлари чорвачилик фермалари учун турли-туман ностандарт ускуналар тайёрлайди. Умуман олганда Бахтиёр ёш коммунист сифатида ўз меҳнатидан каноат ҳосил қилмоқда. У ва ҳамкасби Раҳимжон Солиев коммунистга хос ғайрат билан ишлаб, кунлик топшириқларини 115-120 процентдан адо этишмоқда. Цех ойлик планларини мунтазам ошириб бажараётганлигида уларнинг ҳам ҳиссалари бор.

Аммо бундан ҳам яхшироқ ишласа бўлади-ку, хаёлидан ўтказди Бахтиёр. Мана иккинчи участка бошлиғи Абдураҳмон Ғойибовни олайлик. Кеча яна эскизи бўлмаган буюртмани қўтариб келибди. Цех бошлиғи Равшан Ражабов нега унинг чизмаси йўқ, деб қойиса «ўзингиз амаллайсиз, вақтим йўқ», — дейди. Бундай буюртмани бажариш ишчилардан канчалик ортиқча меҳнат талаб этиши уни қизиқтирмайди. Ёки ремонтчилар ишлайдиган цехни олинг. «МТС»лар даврида қурилган бино. Бу йил қиши билан томидан чакка ўтди. Лекин мутасадди раҳбарларнинг парволари палак. Йиғилишларда танқидни эшитсалар ҳам пинакларини бузишмайди.

Бахтиёр бир қарашда майда-чуйда бўлиб кўринадиган шундай «кемтик» ишлар тўғрисида ўйлаб, кўрик комиссияси ҳузурида бўладиган суҳбатда юрагида тўпланиб қолган барча эътирозларини очиқ баён этишга аҳд қилди.

Эртаси — пайшанба куни ишдан кейин кўрик комиссияси ёш коммунистлар — Бахтиёр Қодиров, Ахат Исматов, Собир Одиловни ўз ҳузурига таклиф қилди. Бахтиёр ички ҳаяжонини яширолмай партия кабинети остонасидан ўтди.

Аслида комиссия аъзолари уни яхши танишади. Баҳодир Фатуллаев бирлашма бош инженери, Илдус Князев план-иқтисод бўлимининг бошлиғи, Маҳмуд Собиров касаба союз комитетининг раиси, Муҳаммад ака Сулаймонов эса ишчи мураббий, унинг устозларидан бири. Шундай бўлса ҳам Бахтиёрнинг кўнгли хапқириб турарди. Ахир ҳозир комиссия уни етуклик синовидан ўтказиши, ўзи ва партия ташкилоти ишини қайта қуриш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиши лозим.

Партия ташкилотининг секретари, комиссия раиси Суръат ака Исаев унинг аҳволини сезди шекилли, «Бахтиёр Қодиров, ремонт-механика цехининг агитатори, янги актив принципиал коммунистларимиздан» деб яна бир карра комиссия аъзоларига таништириб қўйди. Бундай далдадан кейин Бахтиёр ўзини ўнглаб олди, барча саволларга қисқа ва лўнда қилиб жавоб бера бошлади. Охирида эса уларнинг саволларини ҳам кутиб ўтирмай, ишдаги ишкалликлар тўғрисидаги ўйларини ўртага солди. У комиссия диққатини ремонт-механика цехида ишни ташкил қилишдаги хўжасизликларга, ишчилар учун меҳнат ва турмуш шароитларининг йўқлигига қаратди. Бундай аҳвол билан муроса қилиб келаётган партия бюроси аъзолари, айниқса, раҳбар коммунистлардан кўрик пайтида қатъий жавоб талаб этишни таклиф қилди. Ўша куни ёш коммунистлардан А. Исматов, С. Одилов ҳам пишиқ-пухта жавоблари билан кўрик комиссиясини хурсанд қилишди.

— Бу кўрик комиссиясининг бешинчи йиғилиши бўлди, — дейди биз билан суҳбатда бирлашма бошланғич партия ташкилотининг секретари С. Исаев. — Комиссия ўз фаолиятида ўртоқларча хайрихоҳликни қаттиқ партиявий талабчанлик билан уйғунлаштириб олиб бормоқда.

Жанговарлик кўриги бирлашма коммунистларининг фаолиятини анча жонлантирди. Улар ўзларига объектив баҳо берилаётганини амалда ҳис қилишди. Жумладан, маъмурият кўрикдан яхши ўтган Х. Бозоровни партия ташкилотининг тавсияси билан юқори лавозимга кўтарди, С. Одилов раҳбарлик резервига олинди. Суҳбат пайтида комиссия назарий билими саёз, ижтимоий пассив коммунистлардан Ҳ. Муродов, М. Рустамов, М. Саидов, С. Раҳматовлардан ўз устида ишлашни кучайтиришни қаттиқ талаб қилди.

Шофиркон, Қоракўл районлари партия ташкилотларида ҳам жанговарлик кўриги коммунистларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширмоқда.

Афсуски, бундай активлик Бухоро шаҳри, Олот, Ғиждувон районлари бошланғич партия ташкилотларида фаолиятида унчалик сезилмаяпти. Айрим жойларда расмиятчилик ҳамон устунлик қилиб, жанговарлик кўригини навбатдаги кампанияга айлантиришга интилиш давом этмоқда. Чунки жонли иш билан шуғулланиш ўрнига тегишли қоғозларни тўлдириб, кўрик «муваффақиятли ўтганлиги» тўғрисида рапорт бериш айрим партия ходимларига ўнғайроқ туюляпти. Ваҳолонки, мазкур кўрик бундай иш услубини қораловчи чинакам муросасизлик синови бўлиши лозим.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИРОДАРЛИК ТУЙҒУСИ

Абдували деҳқон фарзанди. Оиладаги муҳит уни табиатга ошуфта қилиб тарбиялаган. Ана шундан бўлса керак, у ҳарбий хизматни ҳам бепоён экинзорларн бўлган жойларда ўтказишни орзу қиларди. Бу гал яна омади келди. Йиғитлик бурчини Россия Ноқоратупроқ зонасининг Киров шаҳрида ўтай бошлади. У сафдошлари билан кўпинча Вятканинг ямяшил қишлоқларида бўлар, зарур пайтда деҳқонларга ёрдам бериштарди. Ана шундай кунларнинг бирида бўлиб ўтган воқеа Абдувалининг қалбида ноқоратупроққа дастлабки меҳрни уйғотди.

Абдували хизмат қилаётган бўлинма Кировдан Свечин районидаги «Асвеш» совхозига ҳашарга келди. Чунки совуқ эрта тушиб, деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олишга улгуришолмаган, шаҳарликларнинг мадади зарур бўлиб қолганди. Техникадан хабари бор йигитларни комбайн бошқаришга жалб этишди. Абдувалига ҳам янги келтирилган комбайнлардан бирини беришди. Шунда қишлоқда орттирган тажрибаси қўл келди. Техникани усталик билан ишлатиб, сафдошларига ўрнак бўлди.

Солдатларнинг қисмга қайтиб кетишлари олдидан совхоз раҳбарлари қисқа муддатли йиғилиш ўтказишди. Унда сўзга чиққан хўжалик директори Г. В. Долгихнинг гаплари кўпчилик йигитларнинг қалбига чўғ солди. Директор уларга минтақадорчилик билдириб, хоҳлаганларни ҳарбий хизматдан сўнг совхозга ишга таклиф қилди. Хўжаликнинг янги ўзлаштирилган ерларида меҳнат қилиш учун навқирон кучлар зарурлигини айтди.

Директорнинг таклифи Абдувалига маъқул тушди. У совхоз ҳақидаги маълумотларни ён дафтарига ёзиб олар экан, бепоён ўрмонлар билан қопланган ям-яшил «Асвеш» қишлоғи граждани бўлишни кўнглига тугиб қўйди.

* * *

Солдатлик чамадони билан қадрдон гўшасига кириб келган Абдувалини оила аъзолари уч кунгача суҳбатдан бўшатишмади. Соғинча тўла кунлар таассуротлари сира тугамасди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида у Ноқоратупроқ зонага бормоқчи эканлигини айтди. Худди ўзи ўйлаганидек, отаси ҳам, онаси ҳам унинг бу гапига қулоқ солишмади. Икки йилдан буён кўзлари тўрт бўлганини, тезроқ тўй қилиш орзу-ниятлари борлигини айтишди. Орадан кўп ўтмай хонадонга келин тушди. Абдували ўзаро суҳбатларда Маҳфузага солдатлик даври ўтган Вятка ўлкаси ҳақида ҳаяжон билан гапириб берар, орада «Асвеш» совхози директорига ваъда бериб келганлигини қистириб ўтарди. Келинчак ҳам бу фикрга қўшилди.

Киров ва Наманган областлари ўртасида ишчи кучларидан ёрдам бериш борасидаги шартнома имзоланган, 1987 йилнинг апрелида наманганлик эллик хонадоннинг юки ортилган поезд Кировга йўл олди. Улар орасида ёш келин-куёв Абдували Ғаффоров ва Маҳфуза Ғаффорова ҳам бор эди.

* * *

Биродарлик туйғуси. Тўрақўрғон районидаги Буранатут қишлоғидан қалб амри билан Ноқоратупроқ зонага келган Абдували янги жойда бу туйғуни чинакамига ҳис этди. Ҳали бу ерга баҳор ташриф буюрмаган, ерлар қор билан қопланиб ётар, совуқ ҳамон ҳукмронлик қиларди. Наманганликларни «Асвеш» совхозида музика билан кутиб олишди. Уларни белгиланган уйларга жойлаштиришди. Маҳаллий аҳолининг жонкуярлиги янги келганларни тўлқинлантирди. Улар ҳатто печкаларга ўт ёқиб, уйларни иситиб қўйишганди. Қўнқўшнилар дастурхон безатиб, серқуёш ўлка вакилларини меҳмон қилишди. Яқинлан танишувлар, фикр алмашувлар, режалар уларни шу куниёқ бир-бирига қадрдон қилиб қўйди.

Абдувалига «МТЗ—50» трактори беришди. Маҳфуза эса хўжалик сутчилик фермасида ишлай бошлади. Бошқалар ҳам ҳунари, қобилиятига қараб турли участкаларга қўйилди.

Айни пайтда «Асвеш» совхозида қўриқни ўзлаштириш учун келган наманганликларнинг 11 оиласи истиқомат қилаётир. Маҳаллий аҳоли улар яшаётган маҳаллани «Наманган кўчаси» деб аташар экан. Совхоз дирекциясидан ҳамюртларимизнинг энг илғори ҳақида сўраганимда Ғаффоровлар оиласини кўрсатишди.

— Янги жойда жуда яхши ҳаёт кечиряпмиз, —дейди А. Ғаффоров. — Ҳамюртларимизнинг ҳаммаси астойдил ишлаб, совхознинг социал-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишаётир. Шу боис ҳам дирекция ва партия ташкилоти биздан жуда хурсанд. Айниқса, Наманган район Тепақўрғон қишлоғидан келган Муродилла Абдуллаев ва Турсуной Иброҳимова, шу райондаги «Ленинград» колхозидан Абдуғаффор Мамадалиев, янгиқўрғонлик Комилжон Йўлдошев ва бошқаларни «Асвеш»ликлар жуда ҳурмат қилишади. Уларнинг ҳаммаси жумладан, бизнинг оиламиз ҳам ойига ўртача 350—400 сўмга етказиб даромад қилаётир. Бу йил 50 сотих томорқа ажратиб беришди. Картошка экдик.

Абдувалининг гапларидан унинг Вяткадаги ҳаёти сермазмун ўтаётганлиги, ўзи эса бу ерга кўчиб келганлигидан мамнун эканлиги сезилиб турарди. Биз ҳамюртларимиз билан хайрлашар эканмиз, Ноқоратупроқ ўлкада қардошликнинг абадий ҳайкали бунёд этилаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Қ. НАЖМИДДИНОВ.




Муддатидан илгари

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент авиаремонт заводи коллективи зиммадаги вазифаларни муддатидан илгари адо этиш учун бутун куч ва имкониятни ишга сафарбар этмоқда. Румниянинг «Таром» авиакомпаниясига қарашли ИЛ—62 ҳаво лайнери барвақт ремонтдан чиқарилди.

Завод ишчи-хизматчилари хорижий мамлакатлар буюртмаларини сифатли бажаришга алоҳида эътибор беришаётир. Шартнома мажбуриятларига кўра республикамиз пойтахтида ГДР, Польша, Куба ва ЧССР самолётлари ремонтдан сўнг. 2. Слесарь йиғувчилар группаси.

А. ГОРОКРИК фотолари (ЎзТАГ).



ТЕНГ БАРАВАР АРЗОН

Моддий-техника таъминоти Андижон область бошқармаси қошида ташкил этилган «Санъат» кооперативи Андижон шаҳридаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш чиқитларидан 217 хил маҳсулот тайёрланмоқда.

Кооператив маҳсулотининг сифати ҳозирдаёқ кўпчиликка манзур бўлиб қолди. Хўжалик сумкалари, болаларнинг қалпоқчалари, тароқлар, турли нақшинкор қурилиш материаллари тез харид қилинмоқда. Маҳсулотлар нархи асосий ишлаб чиқаришдагига нисбатан тенг баравар арзон.

Кооперативда 50 киши ишламоқда. Улар йилнинг биринчи кварталида 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Кооперативнинг иш тажрибаси экономикани ривожлантиришнинг беҳисоб резервлари мавжудлигидан далолат бермоқда. Негаки, илгари «Андижанирмаш», механика, машинасозлик заводлари томонидан ишлаб чиқариш чиқитлари ташлаб юборилиб, айрим ҳолларда атроф-муҳитга зарар етказилган бўлса, эндиликда чиқитлардан керакли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бундан корхоналарнинг кассасига пул тушмоқда, аҳолининг истеъмол товарларига талаби ҳам қондирилмоқда.

К. НИШОНОВ.

ҚУЙИ ТАШКИЛОТ ФАОЛЛАШСИН

Бизнинг цех партия ташкилотимизда саккиз коммунист бор. Цех партия ташкилотининг секретари Н. Қурбонбоев кейинги пайтда барча коммунистларга партия топшириқлари бериш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишга жиддий эътибор беряпти. Коммунистларнинг активлиги ошмоқда. Механика цехининг етмиш кишилик коллективи ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида улардан ўрнак олишяпти. Натижада белгиланган ойлик ва квартал планлари мунтазам бажарилаяпти. Чунончи шу йилнинг беш ойида ўтган йил шу давридагига нисбатан 489 тонна кўп металл конструкциялари ишлаб чиқарилди.

Партия ташкилотининг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Сўнгги олти ой мобайнида меҳнат интизоми бирон марта ҳам бузилмади. Уч-тўрт йилдан бери эса ичкиликбозлик ҳоллари учрамаяпти.

Умуман, партия қуйи бўғинлари қайта қуришнинг олдинги сафларида турадилар. Уларнинг жанговарлигини, фаоллигини ошириш қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлайди.

К. САДЕНОВ,
Тахиатош қурилиш конструкциялари ва деталлари заводи бригада бошлиғи, ҚҚАССРда хизмат кўрсатган қурувчи, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.

• Фавқулодда ҳолат

ЗАБАСТОВКА

Май ойида Черновци шаҳридан олинган хабар эсимда: машиналарнинг ҳаммаси ишга яроқли, улар ҳайдовчилар билан тўла равишда таъминланган бўлса ҳам, шу ойнинг ўнинчи куни троллейбусларнинг бир қисми маршрутларга чиқмади... Июнда Волгоградан телеграмма келди: 1732-автоколонна ҳайдовчилари бригадаси автобуслари икки ҳафта давомида Волжск ва Краснослободск шаҳарларни ўртасида қатнамади... Яқинда барвақт, эрталаб соат 6 да «Правда» газетасининг Кишиневдаги мухбирлар пунктига телефон қилишди: «Иккинчи автобус паркининг машиналари йўлга чиқмади! Коллектив маъмуриятнинг ҳаракатларига қарши норозилик билдирмоқда...».

Яқин вақтгача биз кундалик ҳаётимизда «забастовка» сўзи ишлатилмаслигини яхши билардик. Бу сўз меҳнат билан капитал ўртасида, ишлаётганлар билан уларга иш бераётганлар ўртасида муросасиз қарама-қаршилик мавжуд бўлган жойда ишлатилишини биларди. Бизда бундай қарама-қаршиликлар йўқ, бизда меҳнаткашларнинг ўз давлати бор, ўзига қарши ўзи бош кўтаришни ким ҳам ўйлабди, дейсиз?

Лекин хаёлан 3-4 йил орқага қайтамиз. Минбарлардан ғолибона нутқлар янграйди, уй-жойлар эса борган сари кам топширилади, бу уйлар ҳам қачиқатан муҳтож кишиларга насиб этмайди. Ҳамма ерда «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шиорлар осилган, далаларда эса ўриб олинмаган ғалла чириб кетяпти, заводларда ўрнатилмаган ускуналар занглямоқда, қурилишларда материаллар талон-торож қилинмоқда. Газеталар одамларни актив ҳаётий позицияда бўлишга чақиради, новаторларча фикр юритадиган одамларнинг эса лоқайдлик музини синдириб, олға силжишлари борган сари қийинлашмоқда...

Сўнг апрель музёрари етиб келди. Умидлар уйғонди, одамларнинг овози тобора дадил янграй бошлади. Партия съезди мамлакатда ва ҳаммамизнинг ҳаётимизда рўй берган ҳодисаларнинг сабабини аниқлаб берди: социализмнинг бузилиши рўй берган эди. Партия ўзгаришларнинг муқаррарлиги кафолати ўзимизда эканлигини аниқ-равшан айтди. Яширинлик эмас, ошкоралик зарур. Бюрократия эмас, демократия бўлиши талаб қилинади. Тўсиқинлик қилиш механизмини барбод этиш, уни бартараф қилиш лозим — бу даъватга қайта қуришга сидқидилдан ишонган кишилар «лаббай» деб жавоб бермасликлари мумкин эмас эди. Лекин уни қандай қилиб бузиш керак? Масалан, Волгоград шофёрларини сўнгги чора сифатида ана шундай ҳаракат қилишга нима ундади?

— Йигитларимиз йиғилишларда ва шаҳар Советининг сессияларида Волжск-Краснослободск йўлида қатнаш мумкин эмаслигини, бу билан фақат машиналарни ишдан чиқараётганлигимизни бир неча бор айтган эдилар, — деди бригада бошлиғи А. Шелухин. — Ана шу ўйдим-чуқур йўлларда қанчадан-қанча комиссиялар бўлди, лекин ҳеч нарса ўзгармади. Шу сабабли забастовка эълон қилдик.

Натижа нима бўлди? Бир неча кун давомида асфальт ҳам, техника ҳам топилди, одамлар ишга тушди ва йўл тартибга солинди. Лекин бошқа маршрут — Пристань — Краснослободск маршрутида ҳали ҳам юриб бўлмайди. «Ғолиб» чиққан ҳайдовчилар ўз ҳамкасбларига: «Сизлар ҳам биз каби забастовка қилинг», — деб маслаҳат беришмоқда...

Эҳтимол, кимгадир, масалани ҳал этишнинг бирдан-бир усули топилгандек кўринаётгандир. Ҳатто йўлга ётқизилган асфальтни сарфлайдиган бошқа жой йўқ, техника бекор турган эди, йўл қурувчи ишчилар нима билан шуғулланишларини билмасдилар, деб тасаввур қилиб кўриш ҳам мумкин. Бундай ҳодисалар яқин йилларда бўлган эди. Агар бундай бўлмаса-чи! Агар йўлни асфальт қилиш учун янада муҳимроқ объектлардан ана шу материаллар олиб келинган бўлса-чи! Турғунлик йилларида юртимизда бундай муаммолар анчагина тўпланиб қолган эди. Ҳаммасини бирданига бажариб бўлмайди... Нима, одамлар «ҳиқилдоғидан олмаётган» жойлардаги ишлар бажарилмай қолаверсинми! Агар ҳар бир киши фақат ўзини ўйлайдиган бўлса, унда экономиканинг мувозанатини қандай қилиб тиклаймиз.

...Кишиневдаги 2-автобус парки дарвозаси олдида ҳайдовчилар тўпланиб, ўша куни эрталаб бу ерга келган республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. Шапу ва автомобиль транспорти министри В. Фоминни ўраб олган эдилар. Уларнинг талаблари тобора ойдинлашиб борарди.

— Иш ҳақидан шикоят қилиш гуноҳдек туюлади. Лекин иш ҳақи жуда тинимсиз қўшимча ишлаш эвазига сақланиб қолинмоқда-ку!

— Бизга абонементлар, талонлар сотиш планини ўйлаб чиқишибди. Бу, ахир, бўлмағур гап-ку...

— Бригада пудратини шошма-шошарлик билан пала-партиш жорий этишди, биз билан маслаҳат қилишмади...

— Турмуш шароитлари ҳақида ҳеч қандай гамхўрлик қилишмаяпти!

Кўп талаблар орасидан асосийлари танлаб олинди. Уларнинг баъзиларини шу заҳотиёқ қондириш мумкин эканлиги маълум бўлди. Бошқаларини аниқлаш учун бир неча кун керак бўлди. Корхона раҳбарларининг баъзиларини қайта сайлаш ҳақида ҳам келишиб олишди. Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Семёнов «Правда» газетаси мухбири билан суҳбатда:

— Муаммоларнинг деярли ҳаммасини илгарироқ ҳал этиш мумкин ва лозим эди, — деб тан олди.

Демак, бу ерда ҳам забастовка ўз натижасини берибди-да? Келинг, бир чамалаб кўрайлик. Автобуслар паркдан беш-етти соат кеч чиққан. Бу шусиз ҳам зиён кўриб ишлаётган, давлат дотациясида бўлган корхонанинг молиявий аҳволига сезиларли зарба берди. Ўша куни эрталаб юзлаб одамлар ишга кечикиб келдилар, демак, улар ишлайдиган ерларда ҳам меҳнат маромн бузилди. Бекатларда кичкинтойларини болалар боғчаларн ва яслиларга олиб боришга ошиқаётган жуда кўплаб аёллар интизор бўлиб туришарди. Қанчадан-қанча болалар тушгача оч қолганикин?

Ҳа, автобус паркининг директори Н. Зелинский, бош инженер В. Стеря, бошқарма бўлимлари ходимлари шу кунга қадар ишчиларнинг фикрларига, амалий таклифларига қулоқ солмаган эдилар. Лекин бир коллектив манфаатини ҳима учун бошқалар ҳисобига ҳимоя қилиш керак? Муайян айбдорни жавобгарликка тортиш учун биргаликда меҳнат қилаётган ўртоқларига, ўз оилаларига, ўз давлатига, ниҳоят ўз-ўзига зиён келтириш керакми?

Баъзи раҳбарларда амалдорларга хос манманлик, ўзи бошқараётган корхона учун қайғурмаслик, масъулиятсизлик ҳали ҳам борлиги ҳақида баҳслашиб ўтиришга ҳожат йўқ. Бошлиқларнинг ўзлари таййнлаларми, бирор-кор-ҳол рўй берса, бошлиқларнинг ўзи ёрдам беради, деб ўйлашади бундай раҳбарлар. Ҳа, шундай бўлган эди. Бошлиқларнинг қарзларини давлат тўлар эди, бу эса одамларнинг «ноқулай» саволларидан яшириниш учун кўпинча ниқоб бўлиб хизмат қиларди. Энди давр ўзгарди, улар ўз ваъдаларини бажармаганликлари, технократик калтабинликлари, пала-партиш планлаштиришлар учун давлат жавоб бериши мумкин эмас ва жавоб бермайди ҳам. Аммо давлат коллективларнинг ўзларини социал адолат учун курашнинг ишончли воситалари билан қуроллантиради. Бу, энг аввало, хўжалик ҳисобидир. Бу, ўзига раҳбар сайлаш ҳуқуқидир. Бу, ишлаб топилган маблағни мустақил равишда тасарруф этишга имкон берадиган Давлат корхонаси ҳақидаги Қонундир. Ва ниҳоят, бу, ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш ҳуқуқи берилган меҳнат коллективи кенгашидир...

Бу воситаларнинг барчаси ҳам ҳозирча такомиллашмаган. Қаердадир ҳали ҳам уларнинг олға силжиши қийин бўлмоқда. Лекин янги механизмни созлашга ишчиларнинг кучи етмаса — кимнинг ҳам кучи етарди? Механизмни созлаш эса айни вақтда уни эгаллаш, унинг барча имкониятларидан фойдаланишни ўрганиш демакдир.

...Черновцидаги троллейбус ҳайдовчилари маъмуриятдан кондукторсиз ишлаётганликлари учун, талон сотганликлари учун ўқишимча ҳақ тўлашни талаб қилдилар. Ҳамма нарсани аниқлаганларидан сўнг, корхона планни бажарган тақдирдагина бундай қўшимча ҳақ берилиши маълум бўлди, апрель ойида эса план бажарилмаган. Бундай тартиб коллектив шартномада кўзда тутилган, лекин шартнома кенг муҳокама қилинмасдан қабул этилган, шу тариқа коллектив амалда бундан хабарсиз қолган.

Корхонада бошқа қийинчиликлар ҳам тўпланиб қолганлигини айтиш лозим. Ҳайдовчилар маиший хоналар, диспетчерлик пунктлари йўқлигини, уй-жой етишмаслигини айтишди. Янги троллейбус депоси 10 йилдан бери қурилмоқда — шу давр мобайнида эски, тор депода тиқилиб ётишибди. Машиналарнинг ярмини яроқсизлиги туфайли ҳисобдан чиқариб ташлаш керак, лекин уларни алмаштиришмаяпти...

Ҳа, қаерга қараманг — бугунги кунда мамлакатимизда кўп муаммолар тўпланиб қолган. Оғир аҳволга тушиб қолган экономикамиз тўсатдан уйғун ва тўлақонли экономикага айланмайди. Бинобарин, қайта қуришни тўкин-сочинлик сабабли ўйлаб чиқарганимиз йўқ! Бунга турғунлик мажбур қилди! Машиналар, дастгоҳлар забастовка вақтида бекор туриб қолса, ишчи қўллари бўш қолса — бу энди шунчаки турғунлик эмас, бу фалажликдир. Гап борган сари ўткир тус олаётган экология муаммолари ҳақидами ёки бугунги кундагина пайдо бўлмаган миллатлараро муносабат ҳақида кетяптими, қоқшолни фалаж билан даволамайдилар. Совет кишиларининг асосий кўпчилиги бундай муаммолар ўзларининг ёки бегоналарнинг қўллари ишораси билан пайдо бўлмаслигини тушунадилар. Бу муаммоларни ўзимиз ҳал этишимиз керак. Бунинг учун эса тўпланиб олиб жазавага тушиш эмас, балки коллективнинг босиқлиги, мардлиги ва меҳнати керак.

Мана, қўлимизда бир хат турибди. Уни яқинда Бокудан олдик. Хатни меҳнат ветерани Самвел Аветисович Айрептян ёзган. «Мен Тоғли Қорабоғда туғилиб, ўсганман. У ерда ишлаганман, КПССга аъзо бўлганман. Ҳозир Бокуда яшаётган бўлсам ҳам, юртдошларимнинг тақдирига бефарқ қарай олмайман. Область меҳнаткашлари планларни шармандаларча барбод этаётганликларини газеталарда биринчи марта ўқияпман. Бу воқеалар Тоғли Қорабоғ автоном области ташкил топганлигининг 65 йиллигида рўй бермоқда! Бу йўқотишларни давлатга ким қайтариб беради! Ветеранлар, коммунистлар, комсомоллар, сизлар қайдасиз! Оталаримиз ва боболаримиз уларнинг фарзандлари ва набиралари бошқа республикалардаги қардошлари олдида шундай қаздор бўлиб қолишларини тасаввур қилишлари мумкин эдими! Қариндошларим, уят эмасми, ахир! СССР халқнинг пешона тери ва қони билан мустаҳкамланган умумий хонадонимиз эканлигини эсдан чиқариш мумкинми! Уни асраш, у ҳақда қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиздир».

Хат муаллифи ҳақ: забастовка жазаваси биз учун, қайта қуриш учун жуда қимматга тушмоқда. Фақат Арманистонда 4 июлдан 15 июлга қадар 71 миллион сўмлик маҳсулот берилмади. Бу мамлакат экономикасига берилган даҳшатли зарбадир. Ахир, ана шу миллионлар ўнлаб корхоналар учун бутловчи буюмлар ва қисмлар етказиб берилмаганлигини ифодалайди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб миллионлар йўқотилганлиги ҳисобланмоқда. Биз, ахир, бунингсиз ҳам аввалги йиллардаги бекор ўтиришлар учун жуда қиммат ҳақ тўладик: ҳеч бўлмаса «чекиш» учун кўп соатлаб дам олишларни, коллектив бўлиб ичкиликбозлик қилишни, прогулларни эслайлик... Буларнинг ҳаммаси мамлакатда меҳнат эвазига ишлаб топилган пуллар ҳисобидан бўлган, буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда магазинлар пештахталарининг бўш қолишига, янги уй-жойлар қурилиши ўн йиллаб орқага сурилиб кетишига, касалхоналарнинг, мактаблар, болалар боғчаларининг етишмаслигига, ташландиқ болалар бошпанасиз қолишларига ва ташлаб кетилган кексаларнинг ёлғизликка дучор бўлишига олиб келган.

Бугунги кунда кимлардир «забастовка» мақсади сифатида иш ҳақини оширишни талаб қилиб, юқорида биз айтган муаммолардан фойдаланиб қолишга тайёр турибди. Лекин иш ҳақини қандай, қайси манбалар ҳисобидан ошириш керак? Ҳар бир уй бекаси хамир қормай туриб нон ёпиб бўлмаслигини яхши билади. Албатта, қоғоз пулларни хоҳлаганча босиб чиқариш мумкин. Лекин бу пулларни меҳнат билан бўлмаса, нима билан таъминлаш мумкин? Забастовка одат тусига кириб қолган мамлакатларда буни яхши тушунишади: бундай «бўйсунмаслик ҳаракатлари»нинг ҳар бир соати учун одатда дам олиш кунлари ишлаб беришади. Шундай тармоқлар ҳам борки, забастовкалар чеклаб қўйилган ёки иш тўхтаб қолиши жамият учун оғир оқибатларга олиб келса, бундай тармоқларда забастовка ҳатто (касаба союзлари қарорига кўра) тақиқлаб қўйилган.

Кези келганда айтайлик, бизнинг касаба союзларимиз ҳақиқатга тик қараб, ўз позицияларини аниқлай оладиган вақт келди. Бизга забастовкалар керак эмас. Чунки, иш ташлаб биз ўзимизни-ўзимиз қашшоқлаштириб қўяйпмиз. Энг ўткир муаммоларни демократия воситалари билан ҳал этиш лозим. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳам демократия воситалари билан ҳимоя қилиш зарур. Бўлмаса бир гуруҳ бақироқлар иш ташлашни хаёлига келтирмаган кишиларни ҳам баъзан ишсиз ўтиришга мажбур қилмоқдалар. Қизиғи шундаки, бунда баъзан коммунистларнинг овози эшитилмаяпти. Уларнинг баъзилари эса ўзлари ҳам ана шу «хор»га қўшилиб кетишмоқда. Наҳотки улар ҳам иш манфаатларини ҳимоя қилишнинг барча воситаларини тугаган деб ҳисоблаётган бўлсалар? Ёки В. И. Ленин васият қилганидек «омма қаерда бўлса, ўша ерда ишлаш керак»лигини унутиб, сиёсий жангчи бўлишга ярамай қолишдими?

...Қайта қуришнинг ўзи жуда катта меҳнат. Халқимиз айтганидек, худо хоҳласа, қайта қуришда чарчамасдан ишлаш керак. Бунинг устига уни барбод қилишдан кимлардир бевосита манфаатдордирлар. Экономикамизнинг мустаҳкамланиши, покланиш, ҳаётимизни демократиялаш, уларнинг меҳнатсиз топилган даромадларига, осуда ҳаётларига, унчалик оғир бўлмаган, лекин обрўли мансабларига тўғридан-тўғри хавф солмоқда. Лекин қайта қуришга очиқ ҳужум қилиш, турган гапки, уларга муваффақият келтирмайди, бундай қилиш ҳатто хавфлидир. Қайта қуришни бир йўла ошкоралик ва демократия билан биргаликда обрўсизлантириш, жумладан, бюрократик ҳаракатлар билан суиистеъмол қилишларга ҳамда ҳаддидан ошириб юборишга, тойдириб юборишга сиз зора амалга ошиб қолса деб уринмоқдалар.

Лекин биз яхши эслаймиз: революциянинг энг оғир дамларида ва революцядан сўнгги асарларида Ленин онгли ишчилар ўзларини алдашларига, «революцион» иборалар билан чалғитишга йўл қўймасликларига қаттиқ ишонар эди. Бугунги кунда забастовкалар кўпинча карахт қилиб қўймоқда, асабларни қитиқламоқда. Лекин бу самарасиз, боши берк кўчадир. Халқимиз қайта қуришни жуда катта қийинчиликлар билан амалга оширмоқда. Уни сохта ҳаракатлар билан алмаштириш мумкин эмас. Модомики, бизга мана шундай даврда оғир бахт насиб этган экан, ана шу меҳнатни муносиб бажаришимиз ана шу бахтга муносиб бўлишимиз лозим.

В. ЛЮБИЦКИЙ,
(«Правда» газетасининг 1988 йил 18 июль сонидан).

ГАЗЕТХОН СЎЗ СЎРАЙДИ

Масъулиятли буюртма

Бундан ўттиз йилча аввал цехимизда хушхабар тарқалди: республикада биринчи марта программа асосида бошқариладиган йўниш дастгоҳи бизда ишлатилди! Ўша вақтда бундай станок техника такомиллашганидан нишона ҳисобланарди. Бироқ станок ишлаб чиқаришда қўлланганда, у ҳали мукаммалликдан йироқ эканлиги маълум бўлди. Дастгоҳга янгилик киритиш ҳам сезиларли натижа бермади.

Кўп ўтмай Горький машинасозлари рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар ишлаб чиқара бошлашди. Бу дастгоҳлар автоматика кенг миқёсда юриш бошлаганидан дарак берди. Дастлаб бизнинг цехда янги дастгоҳлардан тўрттаси ўрнатилди. Лекин Тошкентнинг иссиқ иқлими таъсирида дастгоҳнинг электрон ва гидравлик аппаратлари қизиб кета бошлади. Бу ҳол механизмларнинг иш унумдорлиги ва маҳсулот сифати пасайишига олиб келди. Тез орада бу нуқсон бартараф этилди — ҳаво совутгичлардан фойдалана бошладик, дастгоҳлар бирмунча яхши ишлай бошлади.

Янги техникани жорий этиш билан айни вақтда йўнувчиларнинг иш характери ҳам ўзгарди. Энди дастгоҳ устида қаддини букиб, ясамоқчи бўлган детални чамалаётган ишчини кўрмайсиз. Йўнувчи ушлаб бошқарадиган турли мурват ва штурвалларни ҳам йўқ. Дастгоҳ программа асосида бошқарилади.

Электрон «мия», автоматика қанчалик пухта бўлмасин, барибир, у инсон ақли, қўли ва кўзи бўлмаса иш оҳангини ўзгартиради. Оператор вақти-вақти билан дастгоҳ олдига боради, чўтка билан металл чиқиндиларидан тозалайди. Янги дастгоҳларни қўллашнинг туфайли меҳнат унумдорлиги анча ошди. Агар мураккаб шакларни деталларни оддий дастгоҳларда ясаш учун юқори малакали мутахассислар зарур бўлса, рақамли программа асосида бошқариладиган дастгоҳларда шундай деталларни оддий разрядли йигит-қизлар ҳам ясай олади.

Вақтида созлаб турилмаган ҳар қандай техника узоққа бормайди. Замонавий дастгоҳлар участкасида созловчи Виктор Мельниковни ҳамма ҳурмат қилади. Ўз ишининг устаси кўп ёшларни аниқ механизмларни бошқаришга ўргатди. Яқинда ҳалол меҳнати ва янги техникани моҳирона ўзлаштирганлиги учун В. Мельников Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

У бу участкага келмасдан олдин кўп йиллар шу коллективда оддий йўнувчи бўлиб ишлаган. Зеро, программали бошқарувнинг афзалликларини ундан яхши биладиган ишчи йўқ.

— Аввало, — дейди В. Мельников, — жисмоний меҳнат енгиллашди. Буюмга ишлов бериш чоғида совутувчи суюқлик — эсульсиядан фойдаланиш мумкин. Бу қирқувчи асбобнинг умрини анча узайтиради. Оддий дастгоҳда мураккаб деталь ясаш чоғида бир қанча мосламалардан фойдаланиш керак бўларди. Рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳда эса битта мосламадан фойдаланиб 5-6 операцияни, айрим ҳолларда бутун деталнинг барча ишини бажарамиз.

Владимир Стойчанов бригадаси рақамли дастгоҳларда ишлашнинг ҳадисини олган. Мунис Хузиахмедов, Александр Старков, Василий Лопухин, Малик Қирғизбоев, Николай Затоский, Шуҳрат Ҳожимуҳамедов каби маҳоратли ишчилардан иборат коллектив цех планлари бажарилишига катта ҳисса қўшмоқда. Фрезерчиларнинг асосий қисми юқори малакага эга. Геннадий Худосов бошлиқ бригаданинг операторлари 3-4 тадан дастгоҳни муваффақиятли бошқаришмоқда.

Мураккаб «ақлли» машиналарни ишлатишда Екатерина Горошкова билан Марина Савченко йигитлардан қолишмайди. Андақул Эшонқулов, Жаҳонгир Шоназаров, Мусурмон Йўлдошев сингари тажрибали операторлар бир-бирига устоз ва шогирд. Уларга энг масъулиятли буюртмаларни бажариш ишониб топшириляпти. Меҳнат ветерани Мария Марина пенсияга кетгач, унинг цехдаги ўрнини ўғли Юрий эгаллади.

Ҳа, бирлашмамиз цехларида техника ёшаряпти, янги техникани устозлар билан бирга ёшлар дадил ўзлаштиришяпти. Янгиланиш даври ҳаммани баравар одим ташлашга даъват қилмоқда.

С. ЧИНАЕВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси.

• Ёзувчи мулоҳазалари

«ЯНГИОБОД» СОВХОЗИДАГИ ИШЛАР ВА ЎЙЛАР

Биз Гурлан районидаги шоличиликка ихтисослашган йирик «Янгиобод» совхозида май ойининг бошларида бўлгандик. Ўшанда тевараксатрофда тракторлар ҳайқиригини эшитгандик. Шоликорлар эса шолизордаги чекларда тиззасигача сувга тушиб ишлашар, уруғ сепишар, 1988 йил ҳосилига замин яратиларди.

Хўжалик миришкорлари ноқулай келган ўтган йилда ҳам янги директор — районнинг таниқли шоликори, илғари қўшни «Гулистон» совхозида бош агроном бўлиб ишлаган Файзулла Аметов раҳбарлигида катта ютуққа эришдилар. Ҳар гектар майдондан 47 центнердан, жами 9 минг 120 тонна шоли етиштирилиб, 1 миллион 100 минг сўм даромад олинди.

— Совхозимиз шоликорлари ўтган йили биринчи марта 530 гектар майдонга пахта ҳам экдилар, — дейди хўжаликнинг илғор пахтакори, коммунист Қурол Давлатов. — Она-Ватанга 1423 тонна «оқ олтин» сотилди. Бу — пландагидан 23 тонна ортиқ эди.

Бу йил «Янгиобод» совхози чигит экишни районда биринчилар қаторида тугалланди. Шоли ҳам вақтида экиб бўлинди. Зеро, бундан уч йил аввал колхоз норентабель, қолоқ хўжаликлар қаторида эди. Муваффақиятларнинг сири нимада? Гап шундаки, меҳнатни ташкил этиш ва экинларни парвариш қилишда янгича ишлашга киришилди, кадрлар жойжойига қўйилди.

Директоримиз, — деб суҳбатга қўшилди илғор шоличилик бригадаси бошлиғи, Хоразм область партия комитетининг аъзоси Назира Собирова, — ишни оилавий пудрат звенолари ташкил этишдан бошлади. Шоли етиштиришнинг юксак самарали замонавий технологияси жорий этилди.

Аввалига одамлар пудратга хавфсираб ўтишди, тўғрироғи қўрқишди, — дейди қулимсираб Ф. Аметов. — 1984 йили уларни бармоқ билан санаш мумкин эди. Ҳозир эса 500 оилавий пудрат звеноси ишлаб турибди. Шоли учун ажратилган майдоннинг ҳаммаси (2150 гектар) ва пахтазорнинг 350 гектари 17 та бригада ва шартнома асосида ишлаётган оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Бугунги кунда шоли ва пахта монокультурасига барҳам берилди. Масалан, бу йил 350 гектар ерга пахта экилди. Натижада қолган 150 гектар майдонда маккажўхори, беда, полиз экинлари етиштириб, боғ-роғлар яратиш имкони туғилди. Алмашлаб экиш йўлга қўйилди. Яқин келажакда еримиз соғайиб, ҳосилдорлиги ортади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, келажагимиз кўп жиҳатдан оилавий пудратга боғлиқ. Оилавий пудрат звеноларининг аъзолари шунга ишонадиларки, бу йил пахта ва шолидан мўл ҳосил етиштирилади. Пудратнинг ҳар бир аъзоси 5 минг сўмдан кам даромад қилмайди.

Бироқ пахта ва шоли етиштириш осон бўлмаяпти. Ердан тўла самара олиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш керак. Гурлан райони ерлари шўрланган, бунинг устига ер ости сувлари ҳам яқин. Ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун тупроқни дарё суви билан уч марта ювиш, ерни чуқур ҳайдагандан кейин ҳам яна бир марта ювиш керак.

— Шоли, — дейди совхоз директори, — кўп эътибор талаб қиладиган экин. Тупроқни яхшилаб тайёрлаш, сувни нормада сақлаш керак. Шоли бегона ўтларни, сувнинг туриб қолишини, сербулут об-ҳавони ёқтирмайди. Мен йигирма йил мобайнида шоличилик технологиясини, унга маҳаллий иқлим шароити таъсирини ўргандим. Яна шунга ҳам ишонч ҳосил қилдимки, шоли новаторликни ёқтиради. Мен машҳур шоликор Тимофей Сергеевич Кимдан кўп нарсани ўргандим. Олтмиш йилдан бери шоличилик билан шуғулланаётган Т. Ким эндигина униб чиққан ниҳолларнинг ҳолатига қараб, кузда ҳосилдорлик қандай бўлишини айтиб бера олади.

Мана уч йилдирки, хўжаликда шоли етиштиришнинг бутун комплексида янги технология қўлланиляпти. Хўш, у нимадан иборат? Аввалламбор, ер чеклар тайёрланиб, сувга тўлғазиларди-да уруғ сепиларди. Вақт ўтиши билан чекларда эгри-бугри жойлар, баъзан оролчалар пайдо бўларди. Уларни кетмон билан текислашга тўғри келарди. Уруғлик ивитилмай сепилгани сабабли у сув юзига қалқиб чиқарди ва уруғнинг кўпини қушлар еб кетарди ёки чеклар четига йиғилиб қоларди. Бунинг натижасида анчагина ҳосил йўқотиларди. Бу йўқолиш ҳар гектар ҳисобига 15—20 процентга етарди. Бунга йиллар мобайнида кўникиб келинди.

Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоз шоликорлари бу муаммони ҳал қилишга биринчи бўлиб киришдилар. Янги технология шундан иборатки, гектарларни тайёрлашда ерларни текислайдиган аввалги моладан эмас, балки янгиларидан фойдаланилмоқда. Янги мола бу — тўрт-беш метрли рама-брусдан иборат бўлиб, борона тишлари билан жиҳозланган. Мола тепасига ёнилғи солинадиган одатдаги металл бак мустаҳкамлаб қўйилади. У гербицидлар солиш учун мўлжалланган. Бундан мақсад шуки, чеклардаги тупроқ бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланади. Бир йўла металл бакка пайванд қилинган махсус кран ёрдамида ерга гербицидлар ҳам сепилади. Бунда биратўла уч ёқлама фойда кўрилади: шоли чеклари молаланади ва текисланади, уруғ сепилади, бегона ўтларга қирон келтирувчи гербицидлар солинади. Кўп вақт ва маблағ сарфланадиган дастлабки ягона ўсказишнинг ҳожати қолмайди, кўплаб ёнилғи тежалади.

Экиш олдидан уруғлик бир кеча-кундуз мобайнида ивитиб қўйилади. Энди уруғлик сувда сузиб юрмайди, балки чўкиб, тупроққа ўрнашади. Ўсимлик аввалгига қарағанда уч-тўрт кун илгари униб чиқади. Ҳосилдорлик ҳар гектар ер ҳисобига ўртача тўрт-беш центнерга ошади. Таннарх ҳам пасаяди.

Хўжалик деҳқонлари экин экилгандан кейин 25—30 кун ўтгач, ҳар гектар майдонга 80—120 килограммдан азот солиб, озиқлантирадилар. Яна бир ой ўтгач, фосфорли ўғитлар сепадилар. Охирги марта эса ўсимликда бошоқлар пайдо бўлаётган вақтда гектарига 30—35 килограммдан азот берадилар. Шу вақтда чеклар сув қўйиш ва сув чиқариш тўхтатилади.

Ҳосилни сақлаб қолишдаги энг муҳим ишлардан бири — шолизорларга ҳар хил қушларни йўлатмаслик. Чунки айни ҳосил етилаётган пайтда далаларни қушлар галаси босади. Ҳозирча илм-фан ҳосилнинг бу душманига қарши восита топгани йўқ. Ҳисоблаб чиқилишича, битта чумчуқ кунига 130—180 грамм дон ер экан. Мавсумда эса қарийб 10 килограмм. Оқибатда жуда катта миқдорда нобудгарчилик бўлади.

Хўжалик коллективи бу йил юксак марраларни кўзлаб ишламоқда. Илғор коммунистлардан Холбой Давлатов, Қурол Давлатов, Аминбой Отажонов ва бошқалар бошчилик қилаётган коллективлар ҳар гектар майдондан пландаги 45 центнер ўрнига 50—55 центнердан «қирмизи дон» ва 30—31 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Умуман совхоз бўйича 9675 тонна шоли ва 945 тонна пахта, ўнлаб тонна полиз маҳсулотлари, маккажўхори ва беда, 130 тонна гўшт етиштириш кўзда тутилган. Бу аниқ, бажарилиши мумкин бўлган режалар.

Совхозда меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда уй-жой ва маданий-маиший объектлар ҳам бунёд этиляпти. 1987 йили «Чинобод» участкасида 4-механизациялашган кўчма колонна томонидан 395 ўринли мактаб ва 95 ўринли болалар боғчаси бинолари қурилди.

Бу йил эса хўжалик ҳисоби йўли билан 12 ўринли фельдшерлик-акушерлик пункти ва маиший хизмат кўрсатувчи тикув комбинати қуриб битказилади.

— Бизнинг коммунист ва комсомолларимиз, — дейди совхоз партия комитетининг секретари Қурбонбой Маткаримов, — йирик қурилиш бригадаси ташкил этиб, объектларни ўз кучлари билан бунёд этишга қарор қилдилар. Ошкоралик ва демократиялаш жамиятимизни янада ривожлантиришга янги омил бахш этди. Инсон ўзини ернинг ҳақиқий хўжайини, деб ҳис қила бошлади.

Бундай кишилар бугунги кунда «Янгиобод» совхозида яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳам бажаришга қодир.

Борис ПАК,
СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Адабиёт ҳаммага керак

Қайта қуриш онгни ишғилашдан бошланар экан, бу даставвал, адабиётнинг вазифасидир. Адабиёт халқ учун яратилади. Кенг маънода у ҳаммага керак. Бунинг учун мактабларда, олий ўқув юртларида, хуллас, адабиёт кириб борган ҳамма соҳаларда уни ўқитишни тубдан яхшилаш лозим.

Афсуски, мактабда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам коммунистик тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт дарслари тобора камайиб кетяпти. Совет даври ўзбек адабиётини педагогика институтларида ўрганишга ўқув плани ҳамда «Ўзбек совет адабиёти программаси»да ҳаммаси бўлиб 140 соат берилган, холос. Унинг ўттиз соати амалий машғулотларга ажратилган. Бизнингча, олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультетлари студентлари учун совет даври адабиёти дарси соатларини кескин кўпайтириш пайти келди. Ахир, биз шу мутахассислик бўйича ўқитувчилар тайёрласак-у улар ўз предметлари бўйича тўла маълумотга эга бўлмаса, буни қандай тушуниш керак?

Аслида 4-5 йиллик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг келгусидаги фаолиятига мутлақо тааллуқли бўлмаган ўнлаб предметлар ўтилади. Булар студентларимизнинг фақат ортиқча вақтини оляпти. Ўқитувчилик фаолиятида сув билан ҳаводек зарур бўладиган предметлар тақдири билан эса ҳеч ким қайғурмайди. Масалан, ҳар бир ўқитувчи ўз қўли билан кўргазмали қурол ясай олиш малакасига эга бўлиши шарт. Акс ҳолда кўргазмали қурол ишламайди ёки пулга бировга ишлатади. Кабинетнинг ҳам жиҳозлай олмайди. Афсуски, на ўзбек филологияси, на бошланғич таълим методикаси, на бошқа бирон факультетда бундай предмет ўқитилмайди.

Партия ва ҳукуматимизнинг талай ҳужжатларида эртанги кун граждани ўз халқи адабиёти, маданияти, тарихини тўла билган, қадрига етган онгли киши бўлиб етишуви ҳақида асосли фикрлар айтилган. Шундан келиб чиқиб, олий ўқув юртларининг ҳамма факультетларида ўзбек адабиёти ва айни пайтда «Ўзбекистон ССР тарихи» предметларини факультатив тарзда бўлса ҳам ўқитишни йўлга қўйиш керак, деб ўйлаймиз. Бусиз қайта қуриш даврининг онгли муаллимини етиштириш мумкин эмас. Қолаверса, иккала фан бир-бирини тўлдирмаса яшай олмайди.

Яна бир муаммо бор. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқид ҳақида»ги қарори эълон қилингандан кейин «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» курси учун 36 соат ажратилган эди. Бир неча йилдан кейин ўқув плани ўзгариб, 24 соатга тушиб қолди. Сиртқи бўлимларда эса 16 соатга келтирилди. Республика Маориф министрлигидаги ўқув планини тузадиган ўртоқларнинг «сахийлиги» эвазига бора-бора шу соатдан ҳам ажралиб қолмасак эди. Худди шунингдек, область халқ маорифи бўлими ҳузуридаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳозирги адабий жараён масалалари бўйича лекциялар дастлаб 8 соат ажратилган эди, кейин у 6 соатга келтирилди. Ҳозир атиги 4 соат қолган. Тескари ҳолатни қарангки, 60-80-йиллар адабиёти обзор темасига ўрта мактаб программасида ўн соат кўрсатилган. Малакасини ошириб келиш учун юборилган ўқитувчига эса атиги тўрт соат ичида нимани тушунтириш мумкин? Бундай ўқитувчиларга фақат дарс берадиган предметларидан кўпроқ маълумот оладиган фанлар ўқитилиши маъқул эмасми?!

Бундан ташқари студентларимиз халқ оғзаки ижоди, адабиётшунослик ва адабиёт назариясини ҳам дуруствроқ ўрганиш имконига эга эмаслар. Жуда катта материалга, беқиёс бойликка эга бўлган халқ оғзаки ижоди учун фақат 1-курсда 36 соатгина дарс ўтиш нима беради? Сиртқи бўлимда эса 16 соат, холос! Менимча, халқ оғзаки ижоди учун ажратилган дарс соатини камида икки баравар кўпайтириш ва айни пайтда биринчи курсдан бошлаб «Ҳозирги адабий жараён» бўйича лекциялар учун маълум соат ажратилиши керак. Чунки биз 140 соатли дарс мобайнида студентларимизни ҳозирги куннинг адабий жараёни, унда бўй кўрсатаётган инжодкорлари билан таништира олмаймиз. Бунга вақтимиз етмайди. Бунинг учун адабиёт дарсларини жиддий кўпайтириш, уни ўқитишга талабни кучайтириш керак, деб ҳисоблайман.

Й. СОЛИЖОНОВ,
Фарғона давлат педагогика институти доценти.

Ёш туристлар мактаби

Ҳайвонот боғи республика пойтахтининг гавжум жойларидан саналади. Бу ерда жаҳоннинг турли бурчакларида яшайдиган, камёб ҳисобланувчи 260 га яқин ҳайвон турлари сақланмоқда, парвариш қилинмоқда. Зеро томошабинларни ҳайвонот дунёси билан яқиндан таништириш, табиатга меҳр уйғотиш, қолаверса, ёшларни уйғун тарбиялашда ҳайвонот боғи имкониятлари етарли бўлмай қоляпти. Шундай шароит яратиш мақсадида ҳайвонот боғи территориясини кенгайтириб, 11 гектарга етказиш мўлжалланган эди.

Бундай режани рўёбга чиқариш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ боғ атрофидаги баъзи ташкилот ва муассасаларга тегишли биноларни бузиш кўзда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг республика ёш туристлар станциясига қарашли бир қаватли иморат ҳам бузилиши лозим эди. Афсуски, бундай юмушни амалга ошириш, ёш туристлар станциясини янги жойга кўчириб, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари чўзиб юборилмоқда.

Ваҳолонки, республика маориф министри имзоси билан ўтган йили Тошкент шаҳар Совети ижрокомига, шаҳар партия комитетига юборилган мактублар натижасиз қолди. Туристлар станцияси бошлиқлари ва ветеранларининг бу борадаги мурожаатларига ҳам эътибор қилинмади. Бу аҳволда ёш туристларга хизмат кўрсатиш бўйича шу беш йилликка олинган мажбурият қачон бажарилади? Беш йиллик охиригача бундай хизмат кўрсатиш 30 минг киши-кунига етказилиши керак. Бунинг устига ёш туристлар станцияси биносини ремонт қилишнинг имкони йўқ. Чунки бузиладиган жойга беҳуда маблағ сарфлашдан нима фойда? Бундан ташқари ҳайвонот боғини кенгайтириш программаси ҳам орқага сурилиб, ажратилган маблағни муддатида ўзлаштиришнинг иложи бўлмаяпти. Уйлаймизки, бу муаммони ҳал этиш пайти келди.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР Географик жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Қоғоз исроф бўлмаса

Кўпгина шаҳарларда бўлгани каби Гулистонда ҳам дам олиш кунлари савдо ярмаркаси ташкил этиш анъанага айланган. Меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш учун область матлубот жамиятига қарашли магазинлар қулай, гавжум кўчаларга ўз молларини ёйишади. Бу ерни айланган одам бирон нарсани харид қилмай кетмайди. Бундай имкониятдан кўпчилик мамнун, албатта.

Лекин ярмарка савдоси тушдан кейин тугайди. Ана шундай пайтда бу ерни айланган киши антиқа манзарани кўриб, ранжиши табиий. Колхоз бозори атрофидаги кўчаларда қоғоз парчалари енгил шабадада осмонга тўзийди. Ҳар хил коробкалар, яшиклар қалашиб ётибди. Фаррошлар бу ерни тозалаш ва тартибга солиш важидан қоғоз парчаларидан хирмон ясаб, ёқиб юборишга мажбур бўлмоқдалар. Ахир, бу исрофгарчилик-ку? Наҳотки, макулатура ҳақида ўйлашмаса?

Менимча, савдо ходимларига макулатура йиғиб, топшириш мажбурияти юкланса мақсадга мувофиқ бўларди. Ё бўлмаса шу атрофдаги мактаб ўқувчиларининг бу борадаги фаолиятини ошириш даркор. Агар ташландиқ қоғоз ва картонларни йиғиштириб, давлатга топширишда ибрат кўрсатганлар бирон йўл билан рағбатлантириб борилса, янада яхши бўларди. Мақсад қанчадан-қанча дафтар-китоблар ва ўқув қуролларига айланиши мумкин бўлган қоғозлар исроф бўлмасин, деймиз.

Х. ЖЎРАБОЕВ,
Сирдарё область молия бошқармаси давлат даромадларн бўлимининг ревизор-инспектори.



ИНСОН—МЕҲНАТИ БИЛАН УЛУҒ

Шундай одамлар борки, улар ўзларининг ҳалол, виждонан меҳнатлари билан обрў-эътиборга сазовор бўладилар. Бундай кишилар эл орасида танилганлар. Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводи узумчилик бригадаси бошлиғи Манзалат Тўйчиева ҳам ана шундай кишилардан. У 18 йиллик ҳалол меҳнати туфайли эл ҳурматига сазовор бўлди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган бригада коллективи эл дастурхонига кўплаб шириншакар узум етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. М. Тўйчиева актив ва жонкуяр коммунист. У цех партия ташкилотининг секретари, Тошкент область партия комитетининг аъзоси. Яқинда у КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида делегат сифатида қатнашди.

Моҳир боғбон Доннёр Бобоқулов эса Бойсун районидаги «Бойсун» совхозида 30 йил механизаторлик қилди. Кейинги пайтда у касбини ўзгартирди. Боғ-роғлар яратишга киришди. Ташландиқ жойда мевали боғ яратди. Яхшидан боғ қолади, деганларидек, у тоғларга чиқиб дарахт уруғларини топиб келади ва кўчат ўстиради. Д. Бобоқулов шу йилнинг ўзида 3 минг тупдан ортиқ кўчат етиштирди. У етиштирган кўчатлар айни пайтда совхоз қишлоқларини безаб турибди. У келгуси йилда 4 мингта, 1990 йилда эса 5 минг туп кўчат тайёрлашга аҳд қилди. Доннёр Бобоқулов 8 фарзандининг отаси. У фарзандларини ҳам меҳнатсевар, табиатни севадиган қилиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқда.

Суратларда: юқорида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегати Манзалат Тўйчиева. Пастда эса моҳир боғбон Доннёр Бобоқулов.

Г. ПУН ва В. ЛЕШЧЕНКО фотолари (ЎзТАГ).



• «Совет Ўзбекистони» «Очиқ хатлар куни» материаллари изидан

ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧАМИ?

Ўтган йил август ойида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Қарши шаҳар партия комитети билан биргаликда «Каршистрой» бошқармасида «Очиқ хатлар куни»ни ўтказган эди. Унда чўлқуварларни турар-жой билан таъминлашга доир муҳим проблемалар кўтарилганди, бу борада қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Жумладан, қўриқ хўжаликларда ниҳоясига етказилмаган посёлкалар, уй-жойлар борлиги, маданий-маиший хизмат ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бу долзарб масалалар «Каршистрой» ва «Главсредазирсовхозстрой» эътиборига бир неча бор ҳавола қилинса-да, ижобий ҳал этилмаётганлиги ташвишланиб гапирилганди.

Хўш, чўлқуварларнинг ҳақли талаби қандай амалга оширилмоқда? Буни биз қўриқдаги бир-икки хўжалик мисолида кўришимиз мумкин.

Беруний номидаги 33-совхоз Қарши даштининг «Китоб» массивида жойлашган. Маблағи «Каршистрой» бошқармаси ҳисобидан. Аммо пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Китоб райони планига киради. Район билан оралиқ қарийб 200 километр. Хўжаликда ишчи кучи етишмайди. Чунки турар-жой муаммоси ҳал этилмаган. Ҳар йили Китоб колхоз ва совхозларида етиштирилаётган пахта ҳосилининг тўртдан бир қисмини массивдаги шу хўжалик тайёрлайди. Бу йил қўриқ баҳодирлари 4 минг гектар ерда ғўза ўстиряптилар. Давлатга камида 7 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилади. Ғўзалар авжи баланд. Ишлов бериш, суғориш ва озиқлантириш ишлари белгиланган агротехник муддатларда амалга оширилмоқда. Лекин, шарт-шароит-чи?

— Афсуски, шароитимиз жуда чатоқ, — деди совхоз директори Амир Тўраев. — Совхоз плансиз, комплекс уй-жой программаси амалга оширилмасдан шошилиб тузилган. Қурилиш ишлари ниҳоятда суст. Ҳозиргача бунёд этилган 18 минг квадрат метр уй-жойда 260 та оила истиқомат қиляпти. Қарийб 150 оила бир-бир ярим йилдан бери бараклар, шийпонлар ва ертўлаларда яшаётир. Уй-жой қурилишини тезлаштиришни талаб қилиб, область партия комитети, область ижроия комитети, «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишга тўғри келди. Ҳамон ўзгариш йўқ.

Ҳақиқатан ҳам одамлар тўлиқ битказилмаган усти очиқ уй-жойларда, шийпонлар, бараклар ва ертўлаларда, ошхона ва молхоналарга мўлжаллаб қурилган хоналарда яшашмоқда. Бу жойлар қишда совуқ, ёзда иссиқ. Ана шу қийинчиликлар сабабли кейинги йилларда 214 киши бу ердан кўчиб кетди.

Чўлни ўзлаштириш ва уй-жой қурилишига мутасадди бўлган «Каршистрой» бошқармаси (бошлиғи С. Чегибоев) ва 7-қурилаётган корхоналар дирекциясида (директор Б. М. Танс) боқибеғамлик ҳукм сурмоқда. Уларнинг янги ер ўзлаштиришга берилиб, инсон омили ва социал масалаларни бир четга суриб қўйганликлари ажабланарли ҳол, албатта. Турар жой қурилиши сустлигини кўрган совхоз раҳбарлари кўп сонли ишчиларнинг якка тартибда уй-жой қуриш тўғрисидаги талабларини тегишли ташкилотларга етказганди. Бироқ Б. М. Танс ваъдаси устидан чиқмади. У бир ҳафта ичида якка тартибда шахсий уйлар учун алоҳида бош план ва лойиҳа тайёрлаб берамиз, деб чўлқуварларни роса ишонтирди. Лекин ойлар ва кварталлар ўтяптики, натижадан дарак йўқ.

«Каршистрой» бошқармасининг «Промжильстрой» трестига қарашли Боймурод Маҳмудов бошлиқ 29-механизациялашган кўчма колонна бир вақтлар чала ташлаб кетган уйлар қурилишини турли баҳоналар билан ниҳоясига етказмаётир. Қизиқ бир факт. «Чўлқувар» қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Барот Шомуродов депутатлар номидан трест бошқарувчиси Усмон Ашуровга учрашиб, уй-жой қурилишини ниҳоясига етказиб беришни сўраганда «Марказий ремонт устахонасини қабул қилиб олсангизлар, сўнгра уй-жойларингни битказамиз» деган антиқа жавобни олди. Устахонанинг эса чала иши кўп. Қаранг-а, қўл учида иш битказиб ўрганган баъзи масъул ходимлар ҳали ҳам ўз ишларини қайта қуролмаяптилар. Бундан фақат чўлқуварларнинг изтироб чекмоқдалар. Улардан айримларини суҳбатга тортамиз.

А. Омонов, пахтачилик звеноси бошлиғи: — Деҳқонобод районидан кўчиб келганман. Ўн нафар фарзандим билан икки йилдан бери шийпонда яшаб келяпмиз.

М. Холиқов, 8-«а» агроучастка бошлиғи: — Шаҳрисабзданман. Агроучасткага қарашли 14 оила баракда яшаяпмиз. Ҳамма нарсага чидаймиз, чўл шароити. Аммо болаларимизга қийин бўляпти. Мактаб саккиз километр олисда жойлашган.

Ш. Турниёзов, 9-агроучастка бошлиғи: — Косон районидан келганмиз. Қарийб 20 оила дала шийпони ва баракларда яшаяпмиз.

И. Усмонов, 10-агроучастка бошлиғи: — Бизлар олтита оила шийпонда, яъни марказдан 25 километр олисда турамиз. Болаларимиз мактабга қатнай олмайди.

Хуллас, совхозда ким билан суҳбатлашманг, уй-жой ва шароит йўқлигидан ташвишланиб гапиради. Хўжаликда шифохона, «тез ёрдам» йўқ. 1700 кишилик аҳолиси бўлган «Чўлқувар» қишлоғида медицина пунктининг ташкил этилмаётганлиги факти билан келишиб бўлмайди. Булардан область соғлиқни сақлаш бўлими ва Китоб райони раҳбарлари хабардор. Бироқ натижаси кўринмаяпти. Туғуруқхона биринчи галда зарур.

Совхоз ва Китоб райони ҳамда «Каршистрой» бошқармаси ўртасида телефон алоқаси ўрнатилмаган. Ёритиш системаси иши ёмон ташкил қилинган. Бунга область электр тармоқлари идораси ва «Каршистрой» раҳбарлари панжа орасидан қарамоқдалар.

Уй-жой қурилиши ва чўлқуварларнинг шарт-шароити билан боғлиқ бундай муаммолар биргина Китоб массивидаги 33-совхозда эмас, қўриқдаги бошқа хўжаликларда ҳам учрамоқда. Жумладан, Баҳористон районидаги 25-, Муборак районидаги 7 «а»-, «Бухоро», Қарши районидаги Собир Раҳимов номли, Усмон Юсупов районидаги 21-, Косон районидаги 37-, 39-совхозлар, «Каршицелинхлопок» трестига қарашли бошқа кўплаб қўриқ хўжаликларда турар жой бинолари етишмайди. Маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари «аҳволни ўнгламиз» дея қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти.

Хуллас, «Очиқ хатлар куни»да тилга олинган бу муаммолар муаммолигича қолмоқда. Сабаби мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қайта қуриш давридаги масъулият ва талабчанликни унутиб қўймоқда. Қисқаси, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва «Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси амалий ёрдам кўрсатмас экан, иш жойидан силжимаслиги аниқ.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Ахборот*

ХОРАЗМ ХАБАРЛАРИ

КЕРАМИК ПЛИТАЛАР

Хивалик меъморлар ва ҳунармандларнинг юксак маҳорати азалдан маълум. Шаҳардаги муҳташам мадрасалар, саройлар, миноралар, бошқа обидалар шуларнинг ижоди. Қўли гул усталар ясаган нақшлар, эшик ва дарвозаларга, устунларга туширилган турли ўймакорлик намуналари ҳар бир сайёҳ қалбида ўчмас хотира қолдиради.

Кўп йиллар мобайнида қадимги усталар яратган нақшинкор керамик плиталарнинг ясалиш сирлари очилмай келяпти. Райондаги Огаҳий номли колхознинг ҳунармандлари узоқ изланишлардан кейин турли ўсимликларнинг гуллари тасвири туширилган керамик плиталар ишлаб чиқара бошладилар. Қишлоқ ҳунармандларининг маҳсулотлари сифати таъмирчи усталарга маъқул бўляпти. Улар янги керамик плиталар билан турли мадания-маиший объектларни ўзига хос усулда безамоқдалар.

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

Хоразм областида Ўзбекистон ССР халқ артисти Мадраҳим Ёқубов (Шерозий) туғилган кунининг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Машҳур хонанда халқ қўшиқларининг талантли ижрочиси эди. Унинг халқ оғзаки ижодидан новаторларча фойдаланиб, гармон чалиб куйлаган қўшиқлари томошабинлар қалбидан чуқур жой олган.

Областда Шерозий хотирасига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтяпти. Шундай бир учрашув яқинда Урганчдаги Матюсуф Харратов номли музика билим юртида бўлди. Бу учрашувда санъаткорнинг шогирдлари, бирга ишлаган хонандалар, қариндош-уруғлари Шерозий ҳақида гапириб бердилар. Халқ севган санъаткорнинг қўшиқлари, яратган музикалари ижро этилди. Бундай учрашувлар область бўйлаб давом эттирилади.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Янгиариқ пахта тозалаш заводида «Момиқ» кооперативи иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг довруғи областга маълум. Бу ерда корхонада пахта толасини қайта ишлашдан кейинги қолдиқ маҳсулотлардан арзон ва сифатли момиқ олиняпти. Кооператорлар турдош корхоналардан ишлаш муддатини ўтаган асбоб-ускуналарни сотиб олиб, момиқни қайта ишлашга мослаб ўзларида ўрнатдилар. Завод территориясида йиллар мобайнида қалашиб ётган қолдиқ хом ашёдан сифатли халқ истеъмоли буюмлари олаётган кооператорларнинг маҳсулотларига талаб катта.

ХЎЖАЛИК УСТАЛАРИ

Янгиариқ районидаги «Коммуна» колхозининг дурадгорлик цехи «Хоразм» меҳмонхонаси учун комплект чиқара бошлади. Бу комплект Хоразм кандакорларининг қадимий анъаналарини давом эттириб ясалган диван, стол ва стуллардан иборатдир. Колхоз ҳунармандлари мебелларга алоҳида меҳр билан турли нақшлар ўйган, унинг қулайлиги ҳусусида қайғурганлар. Қолаверса, мебелга ишлатилган материаллар областда мавжуд хом ашёлардир. Шу сабабдан унинг баҳоси ҳам арзон. Колхоз усталари бундай меҳмонхона мебелларини кўплаб ишлаб чиқарадилар.

И. ШОМУРОДОВ.

700344 СЧЁТГА

Раззоқ Абдурасулов Ингичка кон бошқармасига қарашли «Северная» шахтасида кончи-портлатувчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиқди. Аммо у ҳамон меҳнат фаолиятини давом этдириб, ўзининг кўп йиллик тажрибасини ёш кончиларга ўргатиб келмоқда. Яқинда унинг ўғилларидан бири Абдураҳим Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб қайтди. Отахон Афғонистонда хизмат қилиб яраdор бўлганларни даволаш ва ёрдам кўрсатишга ўз улушини қўшиш учун ёрдам фондига 50 сўм пул ўтказди.

Ж. ТУҚСОНОВ.

Гиёҳвандлик — жирканч иллат

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ

Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. С. Раҳимов билан суҳбат

— XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, — деди суҳбатни бошлаб министр, — жамиятни соғломлаштириш борасида қилинган ишларни чуқур таҳлил қилиб берди. КПСС Марказий Комитетининг конференцияга докладида ички ишлар органлари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Республика милицияси ўз ишини қайта қурар экан, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, ўз фаолиятида партияга, халққа суяниб иш кўрмоқда. Айниқса, турмуш тарзимизга мутлақо ёт бўлган иллатлар, чунончи гиёҳвандликнинг таг-томири билан юлиб ташлаш учун бошланган курашни кенг жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатимиз ички ишлар органлари гиёҳвандликка қарши курашда социалистик давлатлардаги ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйдилар. Ўтган ойда Тошкентда Болгария, Венгрия, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия ички ишлар министрликлари вакилларининг халқаро учрашуви бўлиб ўтди.

— Иттифоқимизда биринчи марта ўтказилган бу муҳим тадбир учун нега айнан Ўзбекистон танланди?

— Шундай саволнинг туғилиши табиий, албатта. СССР ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бош бошқармасининг бошлиғи милиция генерал-лейтенанти В. К. Панкининг изоҳлашича, республикамиз ҳуқуқ-тартибот органлари гиёҳвандликка қарши курашда бир мунча ютуқларни қўлга киритганлиги туфайли ҳам бу муҳим халқаро учрашув Тошкентда ўтказилди.

Ўзбекистон — Иттифоқда гиёҳвандлик нисбатан кенг тарқалган регионлардан биридир. Сабаби — бу ерда таркибида наркотик бўлган экинлар ўсиши учун иқлим шароити қулай. Гиёҳвандлик илдизлари олис ўтмишга бориб тақалади. Медицина ночорлигидан хонаки табиблар аҳолини даволашда асосий восита сифатида наша ва кўкнордан фойдаланишган.

Халқаро учрашув давомида чет эллик ҳамкасбларимиз республика ички ишлар органларининг наркотик моддалар ноқонуний оборотга қайси манбалардан келиб тушишини аниқлаш борасидаги ишлари, гиёҳвандлик тарқалиб кетишининг олдини олиш бўйича қўлланилаётган тадбирлар билан танишдилар. Умуман республикада гиёҳвандликка қарши кураш бўйича кўрилаётган чораларга ижобий баҳо берилди.

— Учқун Содиқович, гиёҳвандликка қарши курашнинг ҳозирги аҳволи ҳақида кенгроқ гапириб берсангиз.

— Ошкоралик даври гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни очиб ташлаш, хавфли социал иллатнинг яширинib ётган томонларини рўй-рост кўрсатиш имконини берди. Биз аллақачон бу муаммони жазо тадбирлари билан ҳал этиш мумкин эмас, деган хулосага келдик. Шунинг учун асосий куч-ғайратни гиёҳвандликдан огоҳ қилиш, унинг хом ашё базасини тугатишга қаратмоқдамиз.

Айни пайтда республикада гиёҳвандлик тарқалишига қарши 1988—1990 йилларга мўлжалланган программа ишлаб чиқиб амалга оширилмоқда. Унда аҳоли ўртасида даволаш-профилактика ишларини такомиллаштириш, ўсимликлардан ва саноат йўли билан қонунсиз оборотга келиб тушаётган заҳарли моддаларнинг йўлини кесиш, медицина муассасаларида наркотик воситаларнинг ўғирланишига чек қўйиш, гиёҳвандликка қарши социал-педагогика ва ҳуқуқий, социологик ва ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш чоралари белгиланган.

Бундан ташқари ички ишлар органлари махсус тадбирлар ўтказмоқда. Ҳозир давом этаётган «Қора қўқнор» операцияси давомида тарқибида заҳри қотил бўлган қонунсиз экинлар аниқланиб, йўқ қилинмоқда. Маълумотларга кўра, 1988 йилда 120 минг квадрат метрдан ортиқ майдонда ана шундай экинлар экилган. Уларнинг умумий ҳосили 600 тоннадан ортиқ бўлиши мумкин эди. Ҳозирга қадар 600 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

— Гиёҳвандликка қарши курашда, агар сир бўлмаса, қандай янги восталар пайдо бўлди? Партия, совет, хўжалик ташкилотлари бу курашда министрликка қандай ёрдам кўрсатишяпти?

— Очиғини айтганда, ички ишлар органларининг гиёҳвандликка қарши курашаётган ходимлари техник жиҳатдан жуда ёмон таъминланган. Зарур техника ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Биз бу соҳада худди аввалгидек техникага эмас, асосан одамларга, уларнинг касб маҳорати ва хизмат бурчи садоқатига таянамиз. Кейинги пайтда наркотик излаб топишга махсус ўргатилган хизмат итларидан кенг фойдаланиляпти.

Саволнинг иккинчи қисми унча тўғри баён этилмади, деб ўйлайман. Чунки гиёҳвандликка қарши кураш жиддий социал проблемалардан бўлиб, у фақат милициянинггина иши эмас. Ҳар бир идора, ташкилот, жамоат бирлашмаси ички ишлар органларига ёрдам кўрсатиш учун эмас, балки ўзларига тегишли доирада бу ўткир муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшаверишлари лозим.

— Жамиятга қарши жиноятлар, турмуш тарзимизга ёт хатти-ҳаракатлар, чунончи ичкиликбозлик, ўғирлик, қотиллик — кўпинча битта занжирнинг ҳалқаларидек бир-бирига уланган бўлади. Айтингчи, гиёҳвандликнинг бошқа турдаги жиноятлар билан боғлиқлигини қандай изоҳлайсиз?

— Жуда тўғри. Жамият турмуш тарзига ёт бўлган ҳамма ҳаракатлар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Сўнгги йилларда гиёҳвандлик билан жиноятчилик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик янада жипслашиб бормоқда. Наркотик моддаларни сақлаш ва истеъмол қилишнинг ўзи жиноят. Заҳарли гиёҳни сотиб олиш учун анчагина пул керак бўлади. Гиёҳвандда доимо наркотик модда истеъмол қилишнинг эҳтиёж кучая боради. Чунки организм функцияси бузилган бўлиб, унинг ҳаёт фаолияти маълум миқдорда қора дори қабул қилганидан кейингина тикланади. Оқибатда гиёҳвандларнинг феъл-атвори, ҳаётий мақсади, бутун вужуди фақат ана шу дорини топишга қаратилган бўлади. Дори ҳумори тутган пайтда дунё кўзига қоронғи кўринган гиёҳванд навбатдаги истеъмол олдида ҳеч нарсадан қайтмайди. Агар гиёҳвандларнинг орасида ишламайдиганлар кўплигини ҳисобга олсак, жиноят содир бўлиши муқаррар. Заҳри қотилни топиш йўлида гиёҳванд жиноят қилади — ўғирлик ва босқинчиликка қўл уради.

Илгари бир неча бор судланган гиёҳвандлар — М. Миронов, В. Емашов ва С. Запорожан тўдаси Тошкент шаҳрида квартиралардан гражданларнинг шахсий буюмларини олиш учун 120 марта ўғирлик қилишди. Ўғирланган нарсаларнинг асосий қисмини норкотикга сарфлашди. Республика пойтахтида Пилипосьян деган кимса бошлиқ 22 кишилик жиноий тўда фош қилинди ва жазоланди. Бу жиноятчиларнинг ярмидан кўпи гиёҳванд бўлиб чиқди. Улар 40 дан ортиқ жиноят содир этдилар. Гражданларнинг буюмлари, айрим шахсларда қонунсиз сақланаётган наркотик моддаларни қўлга киритиш мақсадида босқинчилик қилишди.

Гиёҳвандликка қарши курашнинг кучайтирилгани умуман жиноятчиликни камайтириш имконини берди. Аммо ютуқлар ҳақида гапиришга ҳали эрта.

— Сизнингча, олиб борилаётган курашнинг яқин келажакдаги натижаси қандай бўлади? Жамиятни гиёҳвандликдай хавфли касалликдан қутқаришнинг яна қандай йўллари бор?

— Бу тўғрида башорат қилиш қийин. Чунки гиёҳвандлик билан боғлиқ нарсалар яширин бўлади. Унинг таъсирини умуман қамраб олиш ҳақиқатан ҳам осон эмас. Ҳозир ички ишлар органларида қарийб 12 минг гиёҳванд ҳисобда туради. Ҳисоб-китобларимизга кўра амалда уларнинг сони бундан беш марта кўпдир. Ёшлар ўртасида наркотикни ўз баданида синаб кўришга мойиллик давом этмоқда. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, гиёҳвандликнинг ёйилиши яқин вақтларгача сақланиб туради.

Имкониятдан фойдаланиб республикамизнинг ҳар бир онгли граждани мурожаат қилмоқчиман:

— Гиёҳвандликка қарши курашда бевосита ва амалий иштирок этинг; бу иллатнинг ҳар қандай кўринишига бепарво бўлманг. Наркотика тарқалиши ёки истеъмол қилиниши, гиёҳвандлар тўпланадиган ҳилват-гоҳлар пайдо бўлиши ёки шу билан боғлиқ бошқа жиноятлар ҳақида хабар беринг.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, гиёҳвандлик оғир ва хавфли жиноятларни келтириб чиқарувчи кучли омилдир. Унга қарши умумий курашни сира бўшаштирмаслик зарур.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири А. АБДУБАННОПОВ олиб борди.





Суратларда: «Қора қўқнор» операциясидан айрим лавҳалар:

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи М. В. Сальников [ўртада] вертолёт экипажига учиш олдидан йўл-йўриқ бермоқда.

Милиция капитани, катта участка вакили Т. Бойхўжаев, «Ленинский путь» колхози территориясида ёввойи наша ўсиб ётганини аниқлади ва у йўқ қилиб юборилди.

А. Караваев фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ленинграддаги «Большевик» заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг

65-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

17 ёшга тўлган ва ундан катта йигит ва қизларни, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотидан запасга бўшатилган тугалланган ўрта маълумотли кишиларни

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Темирчи, термист, қолипловчи, электр ва газ пайвандловчи, металл ускуналар слесари, ёғоч моделлар бўйича моделчи, пўлат қуювчининг ёрдамчиси, кўприкли электр кранининг машинисти, гальваник, стержень ясовчи, техника назорати бўлими назоратчилари, эритма моделлар бўйича моделчи, кукунли металлургия оператори (фақат қизлар),

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумот ҳақидаги аттестатнинг асли, характеристика, 286 формадаги медицина справкаси, сил ва руҳий касалликлар диспансеридан справкалар, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқаси тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқишга қабул қилинганларга 80-96 сўм ҳажмида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган иш ҳақининг ярми тўланади. Шаҳар транспортида текин юриш ҳуқуқи берилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бир пайтнинг ўзида Ленинград механика институтининг кечки бўлимини ёки заводдаги кечки машинасозлик техникумида ўқишлари мумкин.

Билим юртини аъло баҳога битирган ва ўз ихтисоси бўйича ишлаганлар институтнинг кечки ва сиртқи бўлимларига имтиҳонсиз қабул қилинади. Шунингдек, билим юртини одатдаги диплом билан битириб, ўз ихтисоси бўйича камида 3 йил ишлаганлар ҳам институтга имтиҳонсиз кира оладилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш муддати барча мутахассисликлар бўйича 10 ой.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Ҳужжатларни шахсан топшириш ёки почта орқали юбориш мумкин: 193029, Ленинград шаҳри, Обуховская оборона проезди, 85/2. Справкалар учун телефонлар: 26572 98, 265-14-00.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

6-ФАРҒОНА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиль кранлари машинистлари, минора кранлари машинистлари, экскаватор, бульдозер машинистлари, оғир кранлар машинистлари, автомобиль ва қурилиш машина ва механизмларини созловчи слесарлар, электро-газ пайвандчилар.

Билим юртига ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестатга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 11 ой.

Техника билим юртига ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента берилади.

Ўқиш муддати узлуксиз иш стажига қўшилади.

Техника билим юртини «аъло» баҳоларга тугатганлар олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: 10-синфни битирганлиги тўғрисида аттестат, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка.

Техника билим юртини тугатганлар республика миқёсидаги ташкилотларга ишга юборилади.

Билим юртида ётоқхона, ўқув биноси, ишлаб чиқариш устахонаси, ошхона, клуб, спорт зал ва спорт майдончалари мавжуд.

Техника билим юртида ўқувчилар турли хил тўгаракларда, спорт секцияларида ва ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашадилар.

Ўқиш 1988 йил 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Фарғона шаҳри, Қиргули, Энтузиастлар шоссеси, 9-уй (Ленин бульвари). Телефонлар: 2-22-10, 2-06-34.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ортиқча халқ истеъмоли молларн улгуржи савдоси бўйича РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАЛАРИ УТКАЗИЛАДИ

Андижон шаҳрида, 1988 йил 10-11 августда, **«Юность»** пионерлар саройи биносида (Фрунзе кўчаси, 23-уй).

Ярмарка қатнашчиларининг келиш вақти — 9-10 августда:

Урганч шаҳрида — 1988 йил 8-9 сентябрда, **Огаҳий** номли область театри биносида (Коммунистик кўчаси).

Ярмарка қатнашчиларининг келиш вақти — 6-7 сентябрда.

Ярмарка ишида қатнашиш учун улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва савдо кооперативларининг вакиллари таклиф қилинадилар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.
«Узпосредторг».
«Ўзбекбирлашув».

Тошкент давлат университе-ти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари гуманитар факультетларнинг рус тили кафедраси доценти

Марҳамат Камоловна МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«НИИстромпроект» институти коллективи иқтисодий тадқиқотлар сектори мудири М. А. Алимовга онаси

Ойимхон ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ:

Оралиқ маррада

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг дастлабки даври — ўйинларини якунлашди. Сўнгги тур учрашувларида командалар мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. Лекин кетма-кет 8 ўйиндан бери ғалаба қозониб келаётган чемпионат пешқадами «Помир» футболчилари «Даугава» майдонида /2:3/ имкониятни бой беришди. Ставрополь динамочилари эса «Таврия» командасини қабул қилиб /1:0/, 31 очко билан даврани якунлашди. Пойтахт армиячилари ўз майдонларида «Ростсельмаш» командасига /1:2/ ютқазишди. Армиячилар 26 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Пахтакор» футболчилари ҳам давра ўйинларини ғалаба билан тугатишди. Улар «Карпати» армиячилари майдонида дарвозага биргина тўп киритиб билан ўз ҳисобларига қўш очко ёзишди. Футболчиларимиз очколарини 23 тага етказиб, оралиқ маррага саккизинчи бўлиб етиб келишди.

ОЛИЙ ЛИГА:

Давра якунида

Олий лига командалари мамлакат чемпионати дастлабки даври ўйинларини якунлашди. Чемпионатда кечиктирилган икки учрашув қолган, холос. 23 очко билан пешқадамлик қилаётган Киев динамочилари яна бир учрашув ўтказадилар. Иккинчи ўринда бораётган «Днепр»да ҳам 23 та очко бор. Пойтахт спартакчилари 20 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

Ўз майдонида

Тошкент областининг «Политотдел» командаси қизлари Олмаотанинг «Связист» коллективини қабул қилиб, 1:0 ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Колхоз хоккейчилари бу билан очколарини 28 тага етказиб, 4-ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. «Андижанка» қизлари эса ўз майдонларида Бокунинг «Связист» коллективи билан ўйнашди. Бу ўйинда мезбонлар 3:0 ва 2:1 ҳисобида устун келишди. «Андижанка» ҳозир 32 очко билан пешқадамлар қаторидан жой олиб турибди.

СУЗИШ:

Рекордчига тенглашиб

Москвада бир ҳафта давом этган СССР чемпионатида республикамиз спортчилари совринли ўринларни эгаллашга астойдил ҳаракат қилишди. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, Европа чемпиони Сергей Заболотнов турли масофаларга чалқанча сузиб жаҳон рекордчиси Игорь Полянскийга тенглашишга уринди. Сергей 50 ва 100 метрли масофаларда бронза медалини қўлга киритиб, 200 метрли масофани босиб ўтишда чемпионатнинг кумуш медалини олди. Маълумки 800 метрга эркин усулда сузган кировлик Наталья Трефилова Бутуниттифоқ рекордини ўрнатган эди. Тошкентлик Евгения Бендер мазкур масофани 9 минут 4 секундда босиб ўтиб, кумуш медални бўлди.

Бундан ташқари сузувчиларимиздан Ж. Болотова 200 метрга чалқанча сузишда кумуш медаль, шу масофага эркин усулда сузган И. Тишченко бронза медалларига эга бўлишди. Шундай қилиб республикамиз вакиллари чемпионат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб, мутахассислар назарига тушдилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• Тингланг, томоша қилинг

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Фидойи шахслар. 9.50 — «Ўлик жонлар». Бадиий фильм. 3-серия. 11.10 — Янгиликлар. 11.20 — Пианиночи К. Эльфер концерти. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Концерт. 16.50 — Мактаб ўзгаришлар даври. 17.20 — Мультфильм. 17.35 — Болалар учун фильм. 18.50 — Уй қура биламан маҳорати. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.40 — 9-студияда ярим соат. 20.10 — «Ўлик жонлар». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильмлар. 22.45 — Дунё воқеалари. 22.55 — Санъат усталари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Объективда — жонворлар. 9.40 — Немис тили. 10.10 — Фильм-концерт. 10.40 — Немис тили. 11.10 — «Кенса устанинг васияти». Бадиий фильм. 1 ва 2-серялар. 13.20 — Янгиликлар. 13.30 — «Полша йўллари». Бадиий фильм. 3-серия. 16.10 — Мультфильм. 16.20 — «Очиқ китоб». Бадиий фильм. 1-фильм, 5-серия. 17.25 — Концерт. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 19.45 — От спорти. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Польша йўллари». Бадиий фильм. 7- ва 8-серялар. Танаффусда — Янгиликлар.

УзТВ-I. 16.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.55 — Болалар учун фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Пионерлар мамлакатида. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқамиз хазинасидан. Муножот. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Сиҳат-саломатлик. 23.00 — «Ғалати одам». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Композитор Б. Гиенконинг ижодий кечаси. 20.15 — «Синган тақа». Бадиий фильм. Фрунзе. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Суғориш ишларига эътибор берайлик. 22.25 — «Дон қиссаси». Бадиий фильм.

20 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Қўшиқлардан қўшиқларга. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Ҳўжалик ҳисоби: тажриба, муаммолар, ечимлар. 11.15 — Юность. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 12.30 — Концерт. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Музикали календарь. 14.00 — Қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — Китоб — меҳнат ҳароналар. 15.50 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларини ўрганамиз. 16.00 — Қизил! Сариқ! Яшил! 16.15 — Қишлоқ ҳаёти. 16.30 — Музикали драмалардан парчалар. 19.20 — Аланга. 19.40 — Инсон ҳақида ғамхўрлик. 20.15 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 21.00 — Она табиатни аъзоларлик. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.30 — Катталарга болалар ҳақида. 23.45 — Кувноқ тароналар.

Р. — 10855. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 165. ИНДЕКС 64583.